



## Банк тизимида инновацион хизматларни ривожлантириш масалалари

(3-бетда ўқинг).

Аудит натижалари: «Асака» ДАТБ, «Orient Finans» ХАТБ, «Капиталбанк» АТБ, «Қишлоқ қурилиш банк» АТБ.....2-3,5,9,10-11

«Мулк сугуртаси — хотиржамлик гарови»..... 11

# БАНК АЖВОРОДНОМАНИ

Банк ходимлари, ишбилармонлар ва тадбиркорларнинг ҳафталик газетаси

ISSN 2010-6602

1995 йил январдан бошлаб нашр этилмоқда

№ 20 (991), 2015 йил 7 май

www.banknews.uz



## 9 май — Хотира ва қадрлаш куни

### Байрамга банк тухфаси

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки 9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан миллий валютада янги муддатли омонатни амалда киритди.

«Матонат» деб номланган мазкур депозит уруш ва меҳнат фаришларига мўлжалланган бўлиб, унинг сақланиш муддати 3 ойдир. Омонатга ҳисобланган фойзалар миқдор хоҳишига кўра, бўнак сифатида олдиндан ёки унинг сақланиш муддати тугаганидан сўнг тўлаб бериллади.

«Матонат»га кўшимча бадаллар қабул қилинмайди, у бўйича ҳисобварақ очиш эса, жорий йилнинг 1 майдан 30 июнига қадар амалга оширилади.

Таъкидлаш жоиз, ТИФ Миллий

банкни аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини жалб қилишни кучайтириш мақсадида қулай ва жозибадор омонат турларини ишлаб чиқишга катта эътибор қаратмоқда. Хусусан, бугунги кунда мазкур муассасада юридик ва жисмоний шахслар учун жорий этилган миллий ва хорижий валютадаги депозитлар сони 34 та бўлиб, уларга жалб қилинган маблағлар 2015 йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра, 952,5 млрд. сўмни ташкил этди.

Юлдуз ЗОКИРОВА.

## Ўзбекистон Республикасини 2015 йилнинг I чорагида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов шу йил 16 январда бўлиб ўтган Вазирлар Маҳкамаси мажлисида белгилаб берган ва таркибий ўзгаришлар жараёнларини янада чуқурлаштириш, иқтисодий эркинлаштириш, тармоқлар рақобатбардошлигини ошириш, мамлакатимиз экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш, хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли бандлигини оширишга қаратилган 2015 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазифалари ва йўналишларини амалга ошириш мақсадида жорий йилнинг биринчи чорагида макроиқтисодий барқарорлик ҳамда иқтисодийнинг барқарор юқори ўсиш суръатларини сақлашга қаратилган комплекс чора-тадбирлар қабул қилинди ва уларнинг ижроси таъминланди.

Хусусан, Давлатимиз раҳбари томонидан саноат ишлаб чиқаришини таркибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилиш, муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш, шунингдек, тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришини маҳаллийлаштириш бўйича ўрта муддатли дастурлар ишлаб чиқилиб, тасдиқланди. Ушбу дастурларнинг амалга оширилиши иқтисодий таъминоти янада юксалтириш, ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш ва диверсификация қилишни чуқурлаштириш, муҳим саноат тармоқларини ривожлантиришни янги, юқори босқичга кўтариш, замона-

вий ва ривожланган инфратузилмани шакллантиришга хизмат қилади.

Мазкур дастурлар доирасида 2015 – 2019 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш бўйича умумий қиймати 40,8 миллиард долларлик 846 лойиҳа, муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмаси объектиларини қуриш ҳамда ривожлантиришга доир умумий қиймати 9,8 миллиард долларлик 141 лойиҳа, шунингдек, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича умумий қиймати 5 миллиард доллардан зиёд 602 лойиҳани амалга ошириш ва 1,2 мингдан ортиқ янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш кўзда тутилган.

(Давоми 7-бетда).

## Тўлов тизимини такомиллаштириш йўлидаги амалий саъй-ҳаракатлар

Жорий йилнинг 5 май куни Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан «Тўлов тизимини мустаҳкамлаш ва пул муомаласи масалалари» мавзуга бағишланган матбуот анжумани ташкил қилинди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ходимлари, тижорат банклари мутахассислари, Ягона умумреспублика процессинг маркази вакиллари иштирок этди.

Маълумки, пул муомаласи — банк-молия тизимининг қон томирисидир. Ҳисоб-китоблар-

нинг нақд ва нақдсиз шакли иқтисодийнинг мўтадил фаолият юритиши учун жуда муҳим. Шу боис, мамлакатимиз раҳбарияти томонидан қабул қилинган директив ҳужжатларда, банк тизимининг ривожланиш стратегиясида пул муомаласини ислоҳ этиш, такомиллаштиришга

устувор вазифа сифатида қаралмоқда.

Аҳоли бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этиш, банк инфратузилмасини яхшилаш, коммунал тўловлар ва бошқа хизматлар бўйича тўловларни қабул қилиш учун қулай шароитлар яратиш, нақд пул тушумларининг банк кассаларига тўлиқ тушишини таъминлаш мақсадида жойларда 2400 дан ортиқ минибанк ва махсус кассалар фаолият кўрсатмоқда.

Марказий банк пул масса-



сини бошқаришда иқтисодий ўсиш барқарорлигига шароит яратадиган, нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини

кенгайтириш борасида комплекс чора-тадбирларни амалга оширди.

(Давоми 4-бетда).

### ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН КУРСИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2015 йил 5 майдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан куйидаги қийматини белгилади:\*)

1 Австралия доллари	1970,93	1 Канада доллари	2068,86	1 Норвегия кронаси	331,41	1 евро	2753,23
1 Англия фунт стерлинги	3815,98	1 Хитой юани	405,56	1 Польша злотийси	692,56	10 Жанубий Корея вони	23,31
1 Дания кронаси	377,41	1 Кувайт динори	8354,79	1 Сингапур доллари	1890,10	10 Япония иенаси	209,69
1 БАА дирхамлари	685,49	1 Россия рубли	49,23	1 СДР	3543,22	*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.	
1 АҚШ доллари	2517,80	1 Украина гривнаси	119,14	1 Туркия лираси	926,85		
1 Миср фунти	330,20	100 Ливан фунти	167,30	1 Швеция кронаси	299,53		
1 Исландия кронаси	19,18	1 Малайзия рингити	707,25	1 Швейцария франки	2697,45		

Айрым хорижий валюталарнинг ўтган ҳафтага солиштирма кўрсаткичи:

1 USD ▲ 2517,80 – (2512,73)

1 EUR ▲ 2753,23 – (2710,18)

1 GBP ▲ 3815,98 – (3813,57)

10 JPY ▼ 209,69 – (211,12)

## AUDIT NATIJALARI

## «Асака» давлат акциядорлик-тижорат банки

Рўйхатга олиш рақами: ЎзР МБнинг 2014 йил 29 августдаги 53-сонли лицензияси.  
Юридик манзили: 100015, Тошкент шаҳри, Нукус кўчаси, 67.

МОЛИЯВИЙ ҲОЛАТ ТЎҒРИСИДАГИ  
ЙИФМА ҲИСОБОТ

2014 йил 31 декабрь ҳолатига кўра

(миллион сўм ҳисобида)

Моддалар	2014 йил 31 декабрь	2013 йил 31 декабрь (қайта кўрилгани)	2013 йил 1 январь (қайта кўрилгани)
<b>АКТИВЛАР:</b>			
Пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари	624,250	562,164	918,881
Банклардаги воситалар	752,937	798,720	621,476
Мижозларга берилган ссудалар	3,592,652	2,886,757	2,400,607
Сотувга мўлжалланган мавжуд молиявий активлар	23,677	21,248	20,034
Қарамдаги ташкилотлар учун инвестициялар	48,889	31,724	19,978
Асосий воситалар	83,403	98,729	85,323
Муддати узайтирилган солиқ активлари	1,935	1,512	1,887
Сотиш учун мўлжалланган узоқ муддатли активлар	36,522	21,829	4,136
Бошқа активлар	49,138	102,073	136,766
Сотиш учун мўлжалланган узоқ муддатли активлар	40,230	-	6,499
<b>ЖАМИ АКТИВЛАР</b>	<b>5,253,633</b>	<b>4,524,756</b>	<b>4,215,587</b>
<b>МАЖБУРИЯТЛАР:</b>			
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Ҳукумати олдидаги қарздорлик	288,120	37,353	33,298
Бошқа банклар маблағлари	487,903	527,462	724,119
Мижозлар депозитлари	3,521,939	3,159,864	2,797,764
Чиқарилган қарз қимматли қоғозлар	254,896	204,364	113,059
Даромаддан олинган жорий солиқ тўлови мажбурияти	1,658	2,371	1,110
Бошқа мажбуриятлар	20,315	9,642	25,536
Сотувга қўйилган активларга тегишли мажбуриятлар	3,073	-	-
<b>ЖАМИ МАЖБУРИЯТЛАР</b>	<b>4,577,904</b>	<b>3,941,056</b>	<b>3,694,886</b>
<b>КАПИТАЛ:</b>			
<b>Банк акциядорларига тегишли умумий капитал</b>			
Акциядорлик капитали	538,667	469,802	395,355
Қўшилган капитал	3,659	5,670	3,329
Захира капитали	7,382	7,382	7,382
Мол-мулкни қайта баҳолаш фонди	29,411	32,732	36,453
Курсдаги фарқлар фонди	620	628	611
Сотиш учун мавжуд молиявий активларни қайта баҳолаш фонди	4,918	4,918	4,794
Тақсимланмаган фойда	88,613	61,121	70,870
<b>Банк акциядорларига тегишли умумий капитал</b>	<b>673,270</b>	<b>582,253</b>	<b>518,794</b>
Назорат остида бўлмаган улуш	2,459	1,447	1,907
<b>УМУМИЙ КАПИТАЛ</b>	<b>675,729</b>	<b>583,700</b>	<b>520,701</b>
<b>УМУМИЙ МАЖБУРИЯТЛАР ВА КАПИТАЛ</b>	<b>5,253,633</b>	<b>4,524,756</b>	<b>4,215,587</b>

ҲОИДА ВА ЗАРАРЛАР ТЎҒРИСИДАГИ  
ЙИФМА ҲИСОБОТ

2014 йил 31 декабрь ҳолатига кўра

(миллион сўм ҳисобида)

Моддалар	2014 йил	2013 йил (қайта кўрилгани)
<b>Давом этаётган фаолият</b>		
Ҳоизли даромадлар	352,216	250,537
Ҳоизли харажатлар	(145,515)	(113,385)
Соф Ҳоизли даромадлар (Ҳоиз Ҳисобланадиган активларнинг қадрсизланиши кўринишидаги зарар Ҳисобга олинмаган ҳолда)	206,701	137,152
Ҳоиз Ҳисобланадиган активларнинг қадрсизланиши кўринишидаги зарар	(104,465)	(57,928)
<b>Соф Ҳоизли даромад</b>	<b>102,236</b>	<b>79,224</b>
Ҳорижий валютадаги амалиётлардан олинган соф Ҳоиз	81,251	40,051
Ҳизматлар ва воситачилиқдан олинган даромад	98,652	99,919
Ҳизматлар ва воситачилиқ харажатлари	(30,140)	(21,485)
Олинган дивидендлар	1,436	371
Бошқа амалиётларнинг қадрсизланиши туфайли шакллантирил- ган захира	(12,655)	(25,444)
Қарам ташкилотларнинг Ҳоиздаги улуши	18,225	12,381
Бошқа даромадлар	1,962	17,706
<b>Соф Ҳоизсиз даромадлар</b>	<b>158,731</b>	<b>123,499</b>
<b>Операцион даромадлар</b>	<b>260,967</b>	<b>202,723</b>
Операцион харажатлар	(179,507)	(145,998)
<b>Солиқ солингунга қадар олинган Ҳоиз</b>	<b>81,460</b>	<b>56,725</b>
Ҳоиз солиғи харажатлари	(3,785)	(96)
Йиллик соф Ҳоиз	77,675	56,629
<b>Тугатилган фаолият</b>		
Тугатилган фаолиятдан кўрилган зарар	(1,058)	(614)
<b>Йиллик соф Ҳоиз</b>	<b>76,617</b>	<b>56,015</b>
Тегишлилиги бўйича:		
Банк акциядорларига	76,725	56,475
Назоратга олинмайдиган улушларга	(108)	(460)
<b>Йиллик соф Ҳоиз</b>	<b>76,617</b>	<b>56,015</b>
<b>Бошқа умумий даромад:</b>		
Сотувга мўлжалланган мавжуд молиявий активларни қайта баҳолаш фонди	-	124
Ҳорижий валюталардаги амалиётлар курси фарқи	(8)	17
Бошқа умумий йиллик даромад	(8)	141
<b>Жами умумий даромад</b>	<b>76,609</b>	<b>56,156</b>
Тегишлилиги бўйича:		
Банк акциядорларига	76,717	56,616
Назоратга олинмайдиган улушларга	(108)	(460)
<b>Жами умумий даромад</b>	<b>76,609</b>	<b>56,156</b>

ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНИНГ ҲАРАКАТИ ТЎҒРИСИДАГИ ЙИФМА ҲИСОБОТ  
2014 йил 31 декабрь ҳолатига кўра

(миллион сўм ҳисобида)

Моддалар	2014 йил	2013 йил
<b>Операцион фаолиятдаги пул маблағлари ҳаракати:</b>		
Солиқ солингунга қадар Ҳисобланган Ҳоиз	76,617	56,015
Тахрирлар		
Ҳоизлар ёки зарарларда акс эттирилган Ҳоиз солиғи бўйича харажатлар	3,785	96
Ҳоиз Ҳисобланадиган активларнинг қадрсизланишидан кўрилган зарарлар захираси	104,465	57,928
Қадрсизланиш бўйича бошқа операцион захира	12,655	25,444
Ҳорижий валюталар билан амалга оширилган операциялар бўйича соф реализацияланмаган Ҳоиз	(66,770)	(26,798)
Сотувга чиқарилган мавжуд молиявий активларни қайта баҳолаш каммади	-	124
Асосий воситалар ва номоддий активларнинг сотишдан олинган да- ромад	(519)	(1,687)
Эскириш ва амортизация	13,154	12,637
Ҳисобланган Ҳоизлардаги ўзгаришлар	(19,584)	(6,370)
Қарам корхоналарнинг Ҳоиздаги улуши	(18,226)	(12,381)
<b>Операцион активлар ва мажбуриятлар ўзгаришига қадар операцион фаолиятдан олинган пул маблағлари</b>	<b>105,577</b>	<b>105,008</b>
Операцион активлар ва мажбуриятлардаги ўзгаришлар:		
Операцион активларнинг соф ўсиши/(камайиши)		
Банклардаги маблағлар	46,324	(177,136)
Мижозларга берилган ссудалар	(720,032)	(581,243)
Сотишга мўлжалланган узоқ муддатли активлар	(6,040)	6,499
Бошқа активлар	9,468	21,985
Операцион мажбуриятларнинг соф (кўпайиши) камайиши:		
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Ҳукумат олдидаги қарздорлик	250,707	4,306
Банклар маблағлари	(38,351)	(191,490)
Мижозлар депозитлари	366,937	388,243

Моддалар	2014 йил	2013 йил
Бошқа мажбуриятлар	12,725	4,758
Сотувга мўлжалланган активларга тегишли мажбуриятлар	3,073	-
<b>Даромад солиғи тўлангунга қадар операцион фаолият натижа- сидаги соф пул киримлари/(чиқимлари)</b>	<b>30,388</b>	<b>(419,070)</b>
<b>Тўланган Ҳоиз солиғи</b>	<b>(20,328)</b>	<b>(16,153)</b>
<b>Операцион фаолиятдаги соф пул кирими/(чиқими)</b>	<b>10,060</b>	<b>(435,223)</b>
<b>Инвестицион фаолиятдан тушган соф пул маблағлари</b>		
Ассоциялашган компаниялардан олинган дивидендлар	1,061	635
Бошқа олинган дивидендлар	489	371
Асосий воситалар ва номоддий активларни сотиб олиш	(7,543)	(31,746)
Асосий воситаларни сотишдан тушган тушим	8,851	7,550
Сотувга мўлжалланган мавжуд инвестицияларни сотиб олиш	(1,500)	(2,818)
<b>Молиявий фаолиятдан келган пул оқимлари:</b>	<b>1,358</b>	<b>(26,008)</b>
<b>Молиявий фаолиятдан келган пул оқимлари:</b>		
Акциядорлик капиталини чиқаришдан тушган тушим	65,639	17,732
Акцияларнинг сўндирилиши	(37,139)	89,705
Қарз қимматли қоғозларнинг чиқарилишидан тушган тушим	50,348	
Тўланган дивидендлар	(14,418)	(10,889)
Молиявий фаолиятдан тушган соф пул маблағлари тушуми/(чиқими)	64,430	96,548
<b>Ҳорижий валюта курси ўзгаришининг Ҳорижий валютадаги пул маблағлари қолдиғига таъсири</b>	<b>64,430</b>	<b>7,966</b>
<b>Пул маблағлари ва улар эквивалентларининг соф кўпайиши/ (камайиши)</b>	<b>140,278</b>	<b>(356,717)</b>
<b>Йил бошидаги пул маблағлари ва улар эквивалентлари</b>	<b>562,164</b>	<b>918,881</b>
<b>Йил охиридаги пул маблағлари ва улар эквивалентлари</b>	<b>702,442</b>	<b>562,164</b>
Тўланган Ҳоизлар	-	(108,009)
Олинган Ҳоизлар	(143,868)	242,146
<b>Пулсиз операциялар:</b>		
- Дивидендларнинг капитализациялашуви	38,354	59,056

## AUDIT NATIJALARI

## «Асака» давлат акциядорлик-тижорат банки

КАПИТАЛДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ЙИҒМА ҲИСОБОТ  
2014 йил 31 декабрь ҳолатига кўра

(миллион сўм ҳисобида)

Моддалар	Акциядорлик капитали	Тўланган капитал	Захира капитали	Мулкни қайта баҳолаш фонди	Курсдаги фарқлар фонди	Сотувга мўлжалланган мавжуд молиявий активларни қайта баҳолаш фонди	Тақсимланмаган фойда	Банк акциядорларига тегишли жами капитал	Назорат қилинмайдиган улуш	Жами капитал
2013 йил 1 январь	395,355	3,329	7,382	36,453	611	4,794	57,433	505,357	1,907	507,264
Тузатишларнинг таъсири	-	-	-	-	-	-	13,437	13,437	-	13,437
2013 йил 1 январь (қайта кўрилгани)	395,355	3,329	7,382	36,453	611	4,794	70,870	518,794	1,907	520,701
Умумий йиллик даромад жами (солиқлар чегилгандан кейинги)	-	-	-	-	17	124	-	141	-	141
Йиллик соф фойда	-	-	-	-	-	-	56,475	56,475	(460)	56,015
Оддий акцияларни муомалага чиқариш	15,391	2,341	-	-	-	-	-	17,732	-	17,732
Тўланган дивидендлар	-	-	-	-	-	-	(10,889)	(10,889)	-	(10,889)
Дивидендларнинг капитализацияси	59,056	-	-	-	-	-	(59,056)	-	-	-
Чиқарилган мол-мулкни қайта баҳолашни тиклаш	-	-	-	(364)	-	-	364	-	-	-
Асосий воситалар қайта баҳолаш фондини камайиши (уларнинг эскириши натижасида), солиқлар чегирилган ҳолда	-	-	-	(3,357)	-	-	3,357	-	-	-
2013 йил 31 декабрь	469,802	5,670	7,382	32,732	628	4,918	61,121	582,253	1,447	583,700
Умумий йиллик даромад жами (солиқлар чегилгандан кейинги)	-	-	-	-	(8)	-	-	(8)	-	(8)
Йиллик соф фойда	-	-	-	-	-	-	76,725	76,725	(108)	76,617
Оддий акцияларнинг муомалага чиқарилиши	62,857	2,782	-	-	-	-	-	65,639	-	65,639
Акцияларни қақриб олиш	(32,346)	(4,793)	-	-	-	-	-	(37,139)	-	(37,139)
Тўланган дивидендлар	-	-	-	-	-	-	(14,200)	(14,200)	(218)	(14,418)
Дивидендларнинг капитализацияси	38,354	-	-	-	-	-	(38,354)	-	120	120
«Назагар Текстиль» МЧЖ устав капиталнинг озчиликдаги улуши ортиши	-	-	-	-	-	-	-	-	1,218	1,218
Чиқарилган мол-мулкни қайта баҳолашни тиклаш	-	-	-	(34)	-	-	34	-	-	-
Асосий воситалар қайта баҳолаш фондини камайиши (уларнинг эскириши натижасида), солиқлар чегирилган ҳолда	-	-	-	(3,287)	-	-	3,287	-	-	-
2014 йил 31 декабрь	538,667	3,659	7,382	29,411	620	4,918	88,613	673,270	2,459	675,729

Молиявий ҳисоботнинг тўғрилиги «Deloitte & Touche» МЧЖ аудиторлик ташкилоти (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2008 йил 8 февралдаги АФ 00500-сонли лицензияси, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 2013 йил 14 октябрдаги 3-сонли сертификатига эга) томонидан тасдиқланган ва унинг барча муҳим жиҳатлари Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ тайёрланган.

Юқориди келтирилган маълумотлар тўғрисидаги ахборот банкнинг 2014 йил 31 декабрь ҳолати бўйича ҳисоботи тўғрилиги ҳақидаги аудиторлик хулосасида бор.

Хизматлар лицензияланган.

## Банк тизимида инновацион хизматларни ривожлантириш масалалари

Пойтахтимизда «Иқтисодийни модернизациялаш шароитида банк-молия тизимида инновацион хизматларни ривожлантириш» мавзунда илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Тошкент давлат иқтисодий университети (ТДИУ) томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳамда Ўзбекистон банклари Ассоциацияси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда сўз олганлар мамлакатимиз банк-молия тизимида инновацион хизматларни жорий этиш ва ривожлантириш, бу борада сўнгги йилларда эришилган натижалар ҳамда ушбу йўналишда истиқболдаги вазибалар хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

– Ҳозирда банкларнинг аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларга кўрсатаётган «Банк-мижоз», «Интернет-банкнинг», «Мобиль-банкнинг», «SMS-банкнинг» каби банк ҳисобварақларини масофадан бошқариш тизимларини ўз ичига олган инновацион хизматлари аҳолининг турмуш даражасини нафақат сифат жиҳатидан ошироқда, балки мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида ҳам муҳим роль ўйнамоқда, – дейди ТДИУ «Банк иши» кафедраси доценти Иброҳим Тоймухаммедов. – Шу боис, тизимда мана шундай хизматларни янада ривожлантириш ва уларни юртимиз ҳудудлари бўйлаб кенг тарғиб қилиш дол-

зарб масалалардан ҳисобланади. Мазкур анжуман туфайли банк-молия тизимидаги илмий ходимлар ва ишлаб чиқаришдаги мутахассисларнинг биргаликдаги учрашувидан инновацион хизматларни қишлоқ жойларга етказиш, бу борада мавжуд бўлган техникавий-молиявий масалаларни ҳал этиш йўллари муҳокама этилди.

Анжуманда молия-кредит муассасаларининг инновацион фаолиятини рағбатлантириш механизми ва унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга оид масалалар ҳам таҳлил қилинди. Унда тижорат банклари мижозларининг инновацион хизматлардан фойдаланганлик даражаси сарҳисоб қилинди. Хусусан, 2015 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, банк ҳисобварақларини масофадан бошқариш тизимларидан фойдаланувчилар умумий сони 534,8 мингтадан ортиб, 2014 йил бошига нисбатан 2 баробарга кўпайгани, шундан «Интернет-банкнинг» ва «Банк-мижоз» дастурий мажмуаси хизматларидан фойдаланувчилар сони 62,2 мингтани ташкил этгани, «Мобиль-банкнинг» ва «SMS-банкнинг» хизматларидан фойдаланувчилар сони 472,6 мингтага етгани маълум қилинди.

– Банк тизимида инновацион хизматларни жорий қилиш аҳоли ва хўжалик субъектларига хизмат кўрсатишни янги босқичга олиб чиқди, – дейди «Микрокредитбанк» АТБ бошқаруви раиси ўринбосари Азиз Низамов. – Ўз навбатида, мазкур жа-

мунтазам ўсиб бормоқда. Банкмижозда инновацион хизматларни янада ривожлантириш чора-тадбирлари давом этмоқда. 2014 йилда «Иш ҳақи» лойҳаси бўйича эмиссия қилинган пластик карталарга тўлов қайдномаларини банкка бормаган ҳолда электрон шаклда юбориш йўлга қўйилди. Яқка тартибдаги тадбиркорларга хўжалик эҳтиёжлари учун хомашё ва маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) сотиб олишда, шунингдек, солиқлар ва бошқа харажатлар бўйича ҳисоб-китоб қилишда фойдаланишлари учун корпоратив карточкалар жорий қилинди.



Анжуман сўнггида иштирокчилар томонидан банк тизимида инновацион хизматларни ташкил этишнинг қонуний ва меъёрий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, банкларнинг инновацион хизматлари кўламини кенгайтириш ва уларнинг самарадорлигини ошириш, молия-кредит муассасаларининг инновацион хизматларини рағбатлантириш механизмининг такомиллаштириш бўйича амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Назира МАВЛОНОВА.

## BANK TIZIMI

## Тўлов тизимини такомиллаштириш йўлидаги амалий саъй-ҳаракатлар

**(Давоми. Бошланиши 1-бетда).**

Мамлакатимизда қайси банк хизмат кўрсатишидан қатъи назар, барча савдо шохобчаларида пластик карталар ёрдамида ягона тартибда банк операцияларини ўтказиш имконини берувчи замонавий банк технологиялари ишлаб чиқилди. Ягона умумреспублика процессинг маркази ташкил этилди, Банкларо тўлов тизими яратилди.

Тадбирда таъкидланганидек, республикамиз бўйича салкам 14 млн. дона пластик карта муомалага чиқарилган. Электрон ҳамёндан тўловларни узлуксиз қабул қилиш учун тижорат банклари томонидан 163 мингдан зиёд чакана савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналари тўлов терминаллари билан таъминланди. Тўлов терминалларини чекка ҳудудлардаги чакана савдо ва хизмат кўрсатиш объектларига ҳам ўрнатиш, эскиларини

янгиси билан алмаштириш чоралари кўриб борилмоқда. Аҳоли гавжум жойларда 2 мингга яқин кўпфункционали инфокиоск ва банкоматлар ўрнатилди.

– Бугун пластик карта эгалари ундан универсал тўлов воситаси сифатида фойдаланиб, кундалик эҳтиёжи учун зарур бўлган озиқ-овқат ва маиший маҳсулотлар, пуллик, шунингдек, коммунал хизматлар учун тўловларни ҳар қандай масофадан туриб, исталган вақтда амалга ошириш имконига эга бўлишмоқда, – дейди **Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Пул муомаласи департаменти директори ўринбосари Назиржон Сафаров.** – Бундай қулайлик савдо ва сервис соҳаларидан тушумлардаги улушни 50 фоизга етказиш, охириги беш йил мобайнида эса бутун тўловлар ҳажмини 3 марта ошишига шароит яратди. Ҳозирда ҳар ойда ўрта-



ча 1,8 трлн. сўмдан ортиқ товарлар ва хизматлар, шунингдек, 187 млрд. сўм миқдоридagi коммунал тўловлар электрон тизимлар орқали амалга оширилмоқда.

Қайд этиш лозимки, бугунги кунда иш ҳақи ва ижтимоий тўловларнинг бир ойда ўртача 50 фоиздан ортиги пластикларга тушириб берилмоқда ва зарур ҳолларда, мижозларнинг талабига кўра, банк касса-

ларидан нақд пулда бериб борилмоқда.

Пластик карта инфратузилмасининг кенгайиб боришидан юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар ҳам манфаат топмоқда. Бугунги кунда 73 мингдан ортиқ тадбиркорлик тузилмаси ўзларининг ички хўжалик эҳтиёжлари учун товар ва хизматларни сотиб олиш ҳамда хизмат сафари харажатлари бўйича тезкор ҳисоб-китобларни амалга оширмоқдалар. Корпоратив карталар хўжалик субъектларига дам олиш кунлари ёки банк иш кунидан ташқари пайтда ҳам терминаллар орқали тўловларни амалга ошириш имконини беради.

Банклар фаолиятида инновацияларнинг дадил жорий этилиши бу нафақат банкларнинг мижозлар учун рақобатини англатади, бу банк фаолият юритаётган ижтимоий ва иш муҳитини янги фикрлашга даъватдир. Пластикларнинг муомалага киритилиши билан янги хизматлар турини жорий этишга, мижозлар билан янги тусда муомала қилишга имконият яратилди ва банк ҳисобварақларини масофадан бошқариш тизимларидан фойдаланувчилар сони ортиб боришига шароит ҳозирламоқда. Жорий йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра, 64 мингдан ошди мижозлар «Интернет-банкнинг» ва «Банк-мижоз» дастурий мажмуаси хизматларидан, 530 мингдан зиёд мижоз «Мобиль-банкнинг» ва «SMS-банкнинг» хизматларидан фойдаланмоқда.

– Мижозларга сифатли ҳамда қулай ва замонавий хизмат турларини жорий этиш банкимиз олдидаги устувор вазибалар сирасидандир, – дейди **«Агробанк» АТБнинг Пластик карталар билан ишлаш бошқармаси бошлиғи Зафаржон Мамажонов.** – Мазкур тадбирда банкимиз томонидан яқинда жорий этилган замонавий хизмат турларидан – «Мобиль савдо»нинг афзалликлари билан кенг оммани боҳабар этдик. Бу хизмат тури банк пластик карталаридан фойдаланувчи барча мижозларга таклиф этилмоқда. Эндиликда нафа-

қат онлайн пластик карталар, балки оффлайн тизимида ишлайдиган DUET карталар орқали ҳам мобиль савдода тўловларни амалга ошириш имконияти яратилди. Хизматдан фойдаланиш оддий бўлиб, унда сотувчи кўрсатилган хизмат учун тўлов суммасини ўз уяли телефонидан сўровнома тарзида харидорнинг уяли телефонига юборади. Харидор эса мазкур сўровномани тасдиқлайди. Ушбу хизмат туридан фойдаланаётганда интернетга уланиш талаб этилмайди.

Пластик карталардан фойдаланиш инфратузилмасини янада кенгайтириш мақсадида ҳозирда Марказий банк томонидан «Чакана тўловларни реал вақт режимида амалга ошириш клиринг тизимини яратиш ҳамда хизмат кўрсатувчиларнинг биллинг тизими билан интеграллашуви» лойиҳасининг иккинчи босқичи амалга оширилмоқда. Биринчи босқичда Марказий банк ҳузурида Ҳисоб-китоб банкини ташкил этиш ва банк мижозларининг мажбуриятлари бўйича банкларнинг вакиллик ҳисобварақларини тўғридан-тўғри дебетлаш механизми йўлга қўйилди.

Лойиҳанинг иккинчи босқичида Клиринг тизими билан Давлат солиқ кўмитаси ахборот тизими, «Ўзбекэнерго» ва «Ўзтрансгаз» акциядорлик компаниялари, «Beeline» мобиль алоқа операторининг биллинг тизимлари интеграция қилиниб, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар, электр ва газ истеъмоли бўйича тўловларни реал вақт режимида амалга ошириш имконияти яратилди.

Ҳозирги пайтда Клиринг тизими фаолиятини кенгайтириш учун «Ўзтелеком», «Uzonline», «UzMobile», «Ucell», «Perfectum Mobile» телекоммуникация корхоналари, «Сувсоз», «Иссиқлик қуввати», «Махсустрас» унитар корхоналари биллинг тизимлари билан уланиш борасида тегишли ишлар олиб борилмоқда.

Шунингдек, тижорат банклари томонидан Молия вазирлиги билан биргаликда бюджет ташкилотлари ишчи-хизматчиларининг иш ҳақи қайдномаларини UzASBO дастуридан фойдаланган ҳолда хизмат кўрсатувчи банкда очилган «Uzcard EMV» пластик карталарига электрон шаклда юбориш имконини берувчи янги тизим яратилмоқда.

Сирасини айтганда, бу каби амалий саъй-ҳаракатлар пировардида мамлакатимизда нақд пулсиз айланма янада жадаллаштириб, тўлов тизимини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

**Бекзод АКРОМОВ.**

## Реклама

**«МИКРОКРЕДИТБАНК»**  
**АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ БАНКИ**

**«Кексаларни эъзозлаш йили»**  
**муносабати билан**

**«Нуроний»** номли янги омонат турини таклиф этади.

**«Микрокредитбанк» сармоялари — тадбиркорлик, бунёдкорлик ва тараққиёт хизматида!**

Тел.: 273-05-70, 273-05-80  
 www.mikrokreditbank.uz

Хизматлар лицензияланган.

## AUDIT NATIJALARI

## «Orient Finans» хусусий акциядорлик-тижорат банки

Рўйхатга олиш рақами: ЎзР МБнинг 2014 йил 13 декабрдаги 81-сонли лицензияси.  
Юридик манзили: 100029, Тошкент шаҳри, Яккачор кўчаси, 7А.

ПУЛ МАБЛАҒЛАРИ ҲАРАКАТИ ТЎҒРИСИДАГИ  
ЙИЛЛИК ЙИҒМА ҲИСОБОТ  
31 декабрда яқунланган 2014 йил учун

(минг сўмда)

МОЛИЯВИЙ ҲОЛАТ ТЎҒРИСИДАГИ  
ЙИҒМА ҲИСОБОТ  
2014 йил 31 декабрь ҳолатига кўра

(минг сўмда)

Моддалар	2014 йил	2013 йил
<b>Активлар</b>		
Пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари	203 758 819,00	113 917 952,00
Кредит ташкилотларидаги маблағлар	70 225 091,00	29 114 543,00
Мижозларга берилган кредитлар	169 157 718,00	83 501 694,00
Асосий воситалар	40 132 395,00	33 976 604,00
Номоддий активлар	2 856 917,00	3 206 647,00
Фойда солиғи бўйича олдиндан тўлов	645 838,00	299 151,00
Сотиш учун мавжуд бўлган инвестициялар	2 392 442,00	-
Даромад солиғи бўйича кечиктирилган активлар	286 476,00	254 630,00
Бошқа активлар	798 857,00	8 348 663,00
<b>Жами активлар</b>	<b>490 254 553,00</b>	<b>272 619 884,00</b>
<b>Мажбуриятлар</b>		
Кредит ташкилотларининг маблағлари	7 301 154,00	10 246 108,00
Мижозларнинг маблағлари	416 906 947,00	234 114 529,00
Бошқа мажбуриятлар	1 521 596,00	2 154 864,00
<b>Жами мажбуриятлар</b>	<b>425 729 697,00</b>	<b>246 515 501,00</b>
<b>Капитал</b>		
Устав капитали	41 886 000,00	22 386 000,00
Қўшилган капитал	89 290,00	-
Тақсимланмаган фойда	22 549 566,00	3 718 383,00
<b>Жами капитал</b>	<b>64 524 856,00</b>	<b>26 104 383,00</b>
<b>Жами капитал ва мажбуриятлар</b>	<b>490 254 553,00</b>	<b>272 619 884,00</b>

УМУМИЙ ДАРОМАД ТЎҒРИСИДАГИ ЙИҒМА ҲИСОБОТ  
31 декабрда яқунланган 2014 йил учун

(минг сўмда)

Моддалар	2014 йил	2013 йил
<b>Фоишли даромадлар</b>		
Мижозларга берилган кредитлар	19 650 719,00	6 185 104,00
Кредит ташкилотларидаги маблағлар	1 982 980,00	1 817 342,00
Жами фоишли даромадлар	21 633 699,00	8 002 446,00
<b>Фоишли харажатлар</b>		
Мижозларнинг маблағлари	(2 989 724,00)	(4 437 881,00)
Кредит ташкилотларининг маблағлари	(1 250 481,00)	(249 732,00)
Жами фоишли харажатлар	(4 240 205,00)	(4 687 613,00)
<b>Соф фоишли даромад</b>	<b>17 393 494,00</b>	<b>3 314 833,00</b>
Кредитларнинг қадрсизланиши бўйича захирасига устама	(20 195,00)	(162 340,00)
<b>Кредитларнинг қадрсизланиши бўйича захирасига устамадан кейинги соф фоишли даромад</b>	<b>17 373 299,00</b>	<b>3 152 493,00</b>
Воситачилик даромадлари	47 047 112,00	24 401 004,00
Воситачилик харажатлари	(4 404 481,00)	(1 939 926,00)
Хорижий валютадаги операциялар бўйича соф даромадлар:	3 647 557,00	1 058 706,00
– савдо операциялари	-	230 571,00
– валюта манбаларини қайта баҳолаш	3 647 557,00	828 135,00
Дивидендлар	804 803,00	-
Бошқа даромадлар	3 640 445,00	-
<b>Фоишсиз даромадлар</b>	<b>50 735 436,00</b>	<b>23 519 784,00</b>
Ходимлар учун харажатлар	(15 989 344,00)	(8 935 586,00)
Амортизация	(3 962 260,00)	(2 260 482,00)
Бошқа қадрсизланиш ва захиралар	(101 298,00)	-
Бошқа операцион харажатлар	(11 177 264,00)	(8 215 583,00)
<b>Фоишсиз харажатлар</b>	<b>(31 230 166,00)</b>	<b>(19 411 651,00)</b>
<b>Даромад солиғи бўйича харажатлардан олдинги фойда</b>	<b>36 878 569,00</b>	<b>7 260 626,00</b>
Фойда солиғи бўйича харажатлар	(7 519 337,00)	(1 294 532,00)
<b>Ҳисобот даври учун фойда</b>	<b>29 359 232,00</b>	<b>5 966 094,00</b>
Бошқа умумий даромад	-	-
<b>Жами умумий йиллик даромад</b>	<b>29 359 232,00</b>	<b>5 966 094,00</b>

КАПИТАЛДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ЙИҒМА ҲИСОБОТ  
31 декабрда яқунланган 2014 йил учун

(минг сўмда)

Моддалар	Устав капитали	Қўшилган капитал	Тақсимланмаган фойда	Жами
<b>2012 йил 31 декабрь ҳолатига кўра</b>	<b>13 202 000,00</b>	-	<b>6 936 290,00</b>	<b>20 138 290,00</b>
Жами умумий йиллик даромад	-	-	5 966 094,00	5 966 094,00
Тақсимланмаган фойданинг капитализацияси	9 184 000,00	-	(9 184 000,00)	-
<b>2013 йил 31 декабрь ҳолатига кўра</b>	<b>22 386 000,00</b>	-	<b>3 718 384,00</b>	<b>26 104 384,00</b>
Жами умумий йиллик даромад	-	-	29 359 232,00	29 359 232,00
Қўшилган капитал	8 971 950,00	89 290,00	-	9 061 240,00
Тақсимланмаган фойданинг капитализацияси	10 528 050,00	-	(10 528 050,00)	-
<b>2014 йил 31 декабрь ҳолатига кўра</b>	<b>41 886 000,00</b>	-	<b>22 549 566,00</b>	<b>64 524 856,00</b>

Молиявий ҳисоботнинг тўғрилиги «Ernst & Young» МЧЖ аудиторлик ташкилоти (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2008 йил 5 февралдаги 00628-сонли лицензиясига эга) томонидан тасдиқланган ва унинг барча муҳим жиҳатлари молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ тайёрланган.

Юқорида келтирилган маълумотлар тўғрисидаги ахборот банкнинг 2014 йил 31 декабрь ҳолати бўйича ҳисоботи тўғрилиги ҳақидаги аудиторлик хулосасида бор.

Хизматлар лицензияланган.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ**  
**Қ А Р О Р И**

**Микрокредит ташкилотлари фаолиятини**  
**лицензиялаш тартиби тўғрисидаги Низомга ўзгартиришлар**  
**ва қўшимча киритиш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида*  
*2015 йил 25 март куни 2093-5-сон билан*  
*давлат рўйхатидан ўтказилди.*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»-ги, «Микрокредит ташкилотлари тўғрисида»ги, «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги, 2014 йил 11 декабрдаги ЎРҚ-381-сон «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви

банки Бошқарувининг 2010 йил 23 январдаги 3/5-сонли қарори (рўйхат рақами 2093, 2010 йил 13 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 14-15-сон, 116-модда) билан тасдиқланган Микрокредит ташкилотлари фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги Низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Марказий банки раиси**  
Тошкент ш.,  
2015 йил 14 март,  
6/6-сон

**Ф. МУЛЛАЖОНОВ**

*Ўзбекистон Республикаси*  
*Марказий банки Бошқарувининг*  
*2015 йил 14 мартдаги*  
*6/6-сонли қарорига*  
**ИЛОВА**

**Микрокредит ташкилотлари фаолиятини**  
**лицензиялаш тартиби тўғрисидаги Низомга киритилаётган**  
**ўзгартиришлар ва қўшимча**

1. 13-бандда:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Лицензия олиш учун микрокредит ташкилоти рўйхатдан ўтказилганидан сўнг бир ойдан кечиктирмасдан Марказий банкка ёки унинг тегишли ҳудудий бошқармасига қуйида келтирилган зарур бўлган ҳужжатларни бевосита, почта алоқаси воситалари орқали ёки электрон шаклда, улар олинганлиги ҳақида хабардор қилинган ҳолда тақдим этади:»;

қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Электрон шаклда тақдим этилган ҳужжатлар лицензия даъвогарининг электрон ра-

қамли имзоси билан тасдиқланади.».

2. 21-банднинг саккизинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«касса хоналарининг техник жиҳатдан мустаҳкамланганлиги ва қўриқлаш-ёнғиндан сақлаш сигнализация воситалари билан жиҳозланганлиги бўйича Марказий банк тегишли ҳудудий бошқармасининг хулосаси;».

3. 38-банднинг олтинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«филиал касса хоналарининг техник жиҳатдан мустаҳкамланганлиги ва қўриқлаш-ёнғиндан сақлаш сигнализация воситалари билан жиҳозланганлиги бўйича Марказий банк тегишли ҳудудий бошқармасининг хулосаси.».

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ**  
**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА**  
**КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИНИНГ**  
**Қ А Р О Р И**

**«O`ZBEKISTON POCHTASI» АЈнинг почта алоқасининг минтақавий (вилоят) ташкилотлари ва почта алоқаси объектлари орқали пенсиялар, нафақалар ва бошқа тўловларни тўлашни ташкил этиш тўғрисидаги Йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида**

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2015 йил 24 март куни 2394-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 31 декабрдаги 372-сон «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2015 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2014 йил 4 декабрдаги ЎРҚ-379-сон Қонуни)»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Молия вазири**  
Тошкент ш.,  
2015 йил 16 март, 23-сон

**Ўзбекистон Республикаси Ахборот**  
**технологиялари ва коммуникацияларини**  
**ривожлантириш вазири**  
Тошкент ш.,  
2015 йил 16 март, 99-мҳ-сон

**Р. АЗИМОВ**

**Х. МИРЗАХИДОВ**

*Ўзбекистон Республикаси*  
*Молия вазирлиги ва Ахборот технологиялари*  
*ва коммуникацияларини ривожлантириш*  
*вазирлигининг 2015 йил 16 мартдаги 23, 99-мҳ-сонли қарорига*  
**ИЛОВА**

**«O`ZBEKISTON POCHTASI» АЈнинг почта алоқасининг минтақавий (вилоят) ташкилотлари ва почта алоқаси объектлари орқали пенсиялар, нафақалар ва бошқа тўловларни тўлашни ташкил этиш тўғрисидаги Йўриқномага киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Муқаддимада «Иккинчи жаҳон уруши» деган сўзлар «1941–1945 йиллардаги уруш» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Ўзбек тилидаги матннинг 38-банди «а» кичик бандидаги «низомнинг» деган

**«O`ZBEKISTON POCHTASI» АЈ**  
**Бош директори**  
2015 йил 16 март

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Марказий банки раиси**  
2015 йил 16 март

сўз «Йўриқноманинг» деган сўз билан алмаштирилсин.

3. Мазкур ўзгартиришлар «O`ZBEKISTON POCHTASI» АЈ ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан келишилган.

**Р. ҚОСИМОВ**

**Ф. МУЛЛАЖОНОВ**

(169,2 километр) сув ва 75,7 километр (53,9 километр) газ тармоқлари бунёд этилди.

2013 – 2017 йилларда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш Давлат дастурини амалга ошириш доирасида жорий йилнинг биринчи чорагида 190 километрдан ортиқ коллектор, 3 вертикал дренажли қудуқ, 6 кузатув қудуғи ва 23,8 километр ёпик коллектор-дренаж тармоғини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари якунланди. Натижада жорий йилнинг биринчи чорагида асосий ва оралиқ экин майдонларининг 126,2 минг гектарига сабзавот, 65,6 минг гектарига картошка ва 4,7 минг гектарига полиз экинлари экилди. 4,9 минг гектар майдонда янги интенсив боғлар, 4,5 минг гектар ерда токзорлар, 169,9 гектар майдонда 305 иссиқхона яратилди. 11,1 минг гектар майдондаги боғ ва 4,4 минг гектар токзорлар реконструкция қилинди.

### **III. Кичик бизнесни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорликка тўлиқ эркинлик бериш, иқтисодиётда давлат иштироки даражасини қисқартириш**

Кулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва янада рағбатлантириш бўйича амалга оширилган изчил чора-тадбирлар самарасида жорий йилнинг биринчи чорагида 8 мингдан ортиқ янги кичик бизнес субъекти ташкил этилди. Бу 2014 йилнинг шу даврига нисбатан 10,2 фоизга кўпдир. Энг кўп кичик бизнес субъекти саноатда ва бошқа ишлаб чиқариш тармоқларида (умумий ташкил этилганларнинг 37,7 фоизи), қурилиш (11,5 фоиз), шунингдек, савдо ва умумий овқатланиш соҳасида (29,3 фоиз) ташкил қилинди.

2015 – 2016 йилларда давлат мулкани хусусийлаштириш дастурини амалга ошириш доирасида умумий қиймати 28,3 миллиард сўмлик 55 давлат активи, жумладан, инвесторларнинг 9,7 миллиард сўмлик инвестиция киритиш мажбуриятини олиш шarti билан 13 объект «ноль» қийматда сотилди. Бундан ташқари, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор ва кам рентабелли ташкилотларнинг фойдаланилмаётган худудлари ва ортиқча ишлаб чиқариш майдонларини оптималлаштириш чора-тадбирлари натижасида 80 фойдаланилмаётган ортиқча ишлаб чиқариш майдонлари ва объектлари хусусий тадбиркорлик субъектларига сотилди.

Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва кичик ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш мақсадида жорий йилнинг биринчи чорагида кичик бизнес субъектларига 2,8 триллион сўм, жумладан, 590 миллиард сўмдан зиёд миқдорда микрокредитлар ажратилди ва ўсиш 2014 йилнинг шу даврига нисбатан 1,3 баробарни ташкил қилди. Шунингдек, халқаро молия институтларининг кичик бизнесни ривожлантириш учун 38,3 миллион долларлик кредит линияси ўзлаштирилди. Айни пайтда Ўзбекистон банклар уюшмаси ҳузуридаги инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашни молиялаштириш жамғармаси кўмагида қиймати 10 миллиард сўмдан ортиқ 14 лойиҳа молиялаштирилди.

Хусусий тадбиркорлик субъектларининг товар-хонашёр бозорларидан фойдаланишини кенгайтириш борасида амалга ошириладиган чора-тадбирлар давлат харидлари бўйича ўз маҳсулот ва хизматларини

етказиб берадиган аккредитациядан ўтган кичик бизнес субъектларининг 2014 йилнинг шу даврига нисбатан 4 баробардан ошишини таъминлади. Уларнинг умумий сони 34,2 мингтани ёки давлат харидлари иштирокчиларининг 98,3 фоизини ташкил этди.

Натижада жорий йил бошидан буён кичик бизнес субъектларидан давлат харидлари ҳажми 77,9 миллиард сўмни ёки электрон савдолар орқали амалга ошириладиган давлат харидлари умумий ҳажмининг 99,6 фоизини ташкил қилди. Айни пайтда давлат харидлари бўйича электрон савдоларнинг жорий этилиши ҳисобидан 22 миллиард сўмлик ёки шу мақсадга мўлжалланган 21,9 фоиз бюджет маблағлари иқтисод қилинди.

Хусусий тадбиркорларнинг товар-хонашёр ресурсларидан фойдаланиш механизмларини соддалаштириш ҳисобидан жорий йилнинг биринчи чорагида кичик бизнес субъектлари томонидан биржа савдолари орқали сотилган маҳсулотлар ҳажми 1,5 баробар ва улар томонидан харид қилинган маҳсулотлар ҳажми 1,3 баробар ўсди.

Кичик бизнес субъектларига ўз маҳсулотларини ташқи бозорга чиқаришга кўмаклашиш мақсадида жорий йил бошидан буён Маҳсулотларни экспорт қилишга кўмаклашиш бюроси томонидан 318 корхонага маслаҳат хизматлари кўрсатилиб, маҳсулотларни стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш, аккредитациядан ўтказиш ва экспорт қилиш, халқаро ҳамда мамлакатларга оид талабларни жорий этиш борасида 29 халқаро келишув имзоланди. Бундан ташқари, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан 315 тадбиркорлик субъектига 220,4 миллион долларлик маҳсулотларини экспортга чиқариш, 36 корхонага хорижий харидорлар топишга ва умумий қиймати 2,5 миллион долларлик экспорт шартномалари тузишга ёрдам кўрсатилди.

Натижада жорий йилнинг биринчи чорагида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан қиймати 560 миллион доллардан ортиқ, жумладан, «Ўзтадбиркорэкспорт» ихтисослаштирилган ташқи савдо компанияси орқали 217,3 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинди.

Ҳисобот даврида давлат органлари билан электрон ҳамкорлик механизмларини кенг жорий этиш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар доирасида солиқ ва статистика ҳисоботларини электрон шаклда топшириш тўлиқ қамраб олинди. 94 мингдан зиёд (ёки умумий миқдорнинг 99 фоизи) божхона юк декларациялари ҳужжатларни электрон шаклда тақдим этиш механизмининг қўллаш орқали расмийлаштирилди. Хўжалик судлари томонидан кўриб чиқилган электрон шаклдаги даъво аризалари ва илтимосномалар қарийб 2 баробар (2014 йилнинг биринчи чорагидаги 9,4 мингдан 16,9 мингга ошган) кўпайиб, 1 мингдан ортиқ суд мажлислари видеоконференция режимида ўтказилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга доир чора-тадбирларнинг амалга оширилиши самарасида жорий йил биринчи чорагида ялпи ички маҳсулотда кичик бизнеснинг улуши 41,7 фоиз (2014 йилнинг биринчи чорагида 41 фоиз), саноатда 29,8 фоиз (26,8 фоиз), пуллик хизматлар кўрсатишда 48,4 фоиз (42,7 фоиз) ва бандликда 76,8 фоиз (76,4 фоиз) ошди.

Ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштириш ва кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ри-



вожлантириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар ишбилармонлик муҳитини баҳолаш бўйича хўжалик субъектлари ўртасида ўтказилган сўров натижаларида ўз аксини топди. Сўров натижалари шуни кўрсатадики, тадбиркорлар биринчи чорадаги ишбилармонлик муҳитининг жорий аҳолини ва амалга оширилиши мўлжалланган ўзгаришларни ижобий баҳолаган.

Интернет орқали солиқ ҳисоботларини электрон шаклда топшириш, солиқларни тўлаш муддатининг қисқартирилгани ва солиқ юқининг камайтирилгани, корхоналарни давлат рўйхатидан ўтказиш, рухсат бериш тусидаги ҳужжатлар ва лицензиялар олиш, маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш механизмларининг соддалаштирилгани, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг хомашё ва товар ресурсларидан фойдаланиши кенгайтирилгани билан боғлиқ ўзгаришлар аксарият ҳолларда ижобий баҳоланмоқда.

#### **IV. Аҳоли бандлигини таъминлаш учун зарур шароитлар яратиш, таълим жараёни ва тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш**

Иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини амалга ошириш доирасида жорий йилнинг биринчи чорагида 141 мингдан ортиқ янги иш ўрни, жумладан, қишлоқ жойларда 88 мингдан зиёд (умумий миқдорнинг 62,6 фоизи) янги иш ўрни яратилди.

Янги ташкил этилган иш ўринларининг 28,6 мингдан зиёди мақсадли дастурларни амалга ошириш, 27,2 минг иш ўрни тижорат банклари томонидан кичик корхона ва микрофирмаларни кредитлаш, 21,1 минг иш ўрни яқка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш, 35,7 минг иш ўрни касаначиликни ташкил этиш ва 28,5 минг иш ўрни фермерлик ва деҳқон хўжалиқларини ривожлантириш ҳисобидан ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 7 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-4609-сонли Фармонида мувофиқ, кичик бизнес соҳасидаги алоҳида тармоқлар бўйича иш билан банд аҳоли сонини кўпайтириш натижасида тўқимачилик, чарм, озиқ-овқат тармоқлари ва қурилиш материаллари саноатида фаолият юритаётган кичик корхоналарда 1,2 мингдан ортиқ қўшимча янги иш ўринлари ташкил этилди.

2014 – 2015 ўқув йилида касб-хунар коллежи битирувчиларининг ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этиш ва бандлигини таъминлаш мақсадида жорий йилнинг биринчи чорагида битирувчиларнинг ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этиш ва уларни кейинчалик мазкур корхоналарга ишга жойлаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Натижада касб-хунар коллежларининг 461,1 минг нафар битирувчиси корхона ва ташкилотларга бириктирилди.

Жорий йилнинг биринчи чорагида 151 академик лицей ва касб-хунар коллежини реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, шунингдек, уларни зарур инвентарлар билан жиҳозлаш мақсадида 36,9 миллиард сўмлик капитал қўйилмалар ўзлаштирилди. Бу мўлжалланган йиллик ҳажмининг 27 фоизини ташкил этди.

Ҳисобот даврида аҳоли учун муносиб турмуш ша-

роити яратиш, ташхис қўйиш ва амбулатория-поликлиника муассасалари фаолияти самарадорлигини ошириш ҳамда профилактика ишларининг кучайтирилиши натижасида аҳолининг гепатит билан касалланиши қарийб 2 баробар, шамоллаш касалликларига чалиниши 3 баробар, нафас олиш органларининг сил билан касалланиши 4 фоизга камайди.

«Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастурини амалга ошириш доирасида жорий йилнинг биринчи чорагида барча манбалар ҳисобидан қарийб 593 миллиард сўм йўналтирилди. Жумладан, 178 нафар ёлғиз кексаларнинг уй-жойини таъмирлаш учун 108,8 миллион сўм сарфланди, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди томонидан Мурувват ва Саховат уйларида яшаётган кекса ёшли кишилар ва ногиронларга умумий қиймати 57,8 миллион сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак ва пойабзал, дори-дармонлар ажратилди.

Санаторий-соғломлаштириш муассасалари ва кекса ёшдаги кишиларга хизмат кўрсатишга ихтисослаштирилган ижтимоий хизмат кўрсатиш муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида «Турон» (Тошкент шаҳри), «Хавотоғ» (Жиззах вилояти), «Чимён» (Фарғона вилояти), «Ситораи Моҳи Хоса» (Бухоро вилояти), «Косонсой» (Наманган вилояти) санаторийлари, «Аҳмад ал-Фарғоний» (Фарғона вилояти) дам олиш уйида умумий қиймати 5,1 миллиард сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди.

Жорий йил бошидан буён 63 минг нафардан зиёд уруш ва меҳнат fronti фахрийси терапия, неврология, кардиология, урология, хирургия, офтальмология, оториноларингология каби етти муҳим йўналишда чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилди.

Умуман, шу йилнинг биринчи чорагида иш ўринлари яратиш ва аҳоли фаровонлигини ошириш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар ўртача иш ҳақининг 17,1 фоиз, пенсияларнинг 22,1 фоизга ошишини таъминлади.

2015 йилнинг биринчи чорагида Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш натижалари шуни кўрсатадики, жаҳон миқёсида инқироз ҳолатлари ҳамон давом этаётгани ва қарама-қаршиликлар кучайиб бораётганига қарамасдан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган ва бутун дунёда ислохотларнинг «ўзбек модели» сифатида тан олинган беш тамойилга асосланган ислох этиш ва ривожланишнинг эволюцион ҳамда босқичма-босқич стратегиясини мақсадли ва изчил амалга ошириш самарасида мамлакатимизда макроиқтисодий барқарорлик ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаш таъминланмоқда.

Тармоқларни таркибий ўзгартириш ва жадал диверсификация қилиш, уларнинг рақобатбардошлиги ва экспорт салоҳиятини юксалтириш бўйича тасдиқланган ўрта муддатли дастурларнинг сўзсиз амалга оширилишини таъминлаш учун мавжуд барча захира ҳамда имкониятларни жалб этиш, шунингдек, хусусий тадбиркорлик йўлидаги барча тўсиқ ҳамда чекловларни бартараф этиш ва пировард натижада мамлакатимиз аҳолисининг бандлиги, ҳаёт сифати ҳамда даражасини муттасил ошириш 2015 йилда Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини янада барқарор ривожлантириш борасидаги муҳим вазифалардир.

# Ўзбекистон Республикасини 2015 йилнинг I чорагида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

## I. Етакчи саноат тармоқларини таркибий ўзгартириш, модернизация ва фаол диверсификация қилишни кенгайтириш ҳамда чуқурлаштириш ҳисобидан макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш, иқтисодиёт рақобатбардошлигини янада ошириш

2015 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазифалари ва йўналишларини амалга ошириш бўйича комплекс чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида шу йилнинг биринчи чорагида иқтисодиётни таркибий ўзгартиришни янада чуқурлаштириш, асосий макроиқтисодий кўрсаткичларнинг юқори ўсиш суръатларини сақлаш ва кейинги чоракларда янада иқтисодий ривожланиш учун мустаҳкам асос яратиш таъминланди.

2014 йилнинг биринчи чорагига нисбатан ялпи ички маҳсулот ҳажми 7,5, саноат маҳсулотлари – 7,9, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари – 6,3, хизматлар ҳажми 13,1 фоиз ўсди. Макроиқтисодий барқарорлик давлат бюджетининг ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,1 фоиз профицити, ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси, шунингдек, солиқ юқини 20,1 фоиздан 19 фоизга босқичма-босқич камайтириш ҳисобидан янада мустаҳкамланди.

2011 – 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ этиш ва барқарорлигини оширишнинг устувор йўналишлари дастури доирасида амалга оширилган чора-тадбирлар банклар жами капиталининг 24,5 фоиз ва активларининг 28,1 фоиз кўпайишига хизмат қилди. Банк тизими капиталининг етарлилик даражаси энг кам халқаро стандартлардан қарийб 3 баробардан зиёд даражада сақланди. Банк тизими ликвидлиги эса минимал талаблардан 2 баробар ортади. Жорий йил бошидан буён Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси 10 фоиздан 9 фоизга туширилгани иқтисодиётни кредит билан таъминлаш ҳажмини 1,3 баробар оширишда рағбатлантирувчи омил бўлди.

Иқтисодиётнинг барқарор ўсиш суръатлари истеъмол талабини рағбатлантиришга доир амалга оширилган чора-тадбирлар билан бирга аҳоли ички ялпи даромадини 17,4 фоизга оширишга ёрдам берди. Бу эса чакана савдо айланмаси ҳажми 15,2 фоиз ва аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш 10,1 фоизга ошишида муҳим омил бўлди.

Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, юқори технологияли муҳим қувватларни ишга туширишни жадаллаштириш, транспорт ва коммуникация инфратузилмасини изчил ривожлантириш асосида таркибий ўзгаришларни чуқурлаштиришга қаратилган инвестиция сиёсатининг фаол амалга оширилиши натижасида жорий йилнинг биринчи чорагида иқтисодиётда ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми 2,7 миллиард долларни ташкил қилди ва 2014 йилнинг шу даврига нисбатан 8,7 фоизга ўсди.

Инвестиция фаоллигининг юқори суръатлари қурилиш-монтаж ишларини ташкил этишни такомиллаштириш, пудратчи ташкилотларнинг моддий-техник ба-

засини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга доир чора-тадбирлар билан бир қаторда қурилиш ишлари ҳажмини 18,9 фоиз ошириш имконини берди.

## Ўзбекистон Республикасини 2015 йилнинг биринчи чорагида ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичлари (2014 йилнинг шу давридагига нисбатан фоиз ҳисобида)

Кўрсаткичлар	Ўсиш суръатлари
Ялпи ички маҳсулот	107,5
Саноат маҳсулотлари	107,9
Истеъмол товарлари	111,2
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари	106,3
Ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми	108,7
Қурилиш ишлари	118,9
Чакана савдо айланмаси	115,2
Пуллик хизматлар	110,1
Жами хизматлар	113,1

Ўзлаштирилган инвестициялар умумий ҳажмининг 660 миллион доллардан зиёди ёки 24,3 фоизини хорижий инвестициялар ва кредитлар (ўсиш 12,1 фоиз), жумладан, 580 миллион долларини тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар (ўсиш 10 фоиз) ташкил қилди. Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан иқтисодиётнинг стратегик тармоқларида йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун ўзлаштирилган маблағлар ҳажми 5,6 фоиз ўсди ва 81,1 миллион долларни ташкил қилди.

Жорий йил бошидан буён ўзлаштирилган инвестициялар таркибида хўжалик субъектларининг ўз маблағлари қарийб катта улушни (умумий ҳажмининг 36,3 фоизи) ташкил этди ва 2014 йилнинг шу даврига нисбатан бу кўрсаткич 28,3 фоиз кўпайди. Бу ишлаб чиқаришларни диверсификация қилиш ва рақобатбардошлигини ошириш бўйича тармоқ дастурлари, шунингдек, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича ҳудудий дастурлар ҳаётга фаол татбиқ этилаётгани самарасидир.

Умуман, жорий йил бошидан буён 2015 йилги Инвестиция дастури доирасида умумий қиймати 4,8 миллиард доллардан зиёд 53 янги инвестиция лойиҳасини амалга ошириш бошланди, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича ҳудудий дастурларни амалга ошириш доирасида 434 янги ишлаб чиқариш объекти фойдаланишга топширилди. Жумладан, қурилиш материаллари саноатида 179, озиқ-овқат саноатида 141, тўқимачилик саноати ва тикувчилик соҳасида 99, мебель ва қоғоз саноатида 56, кимё ва нефть-кимё саноатида 37 ва бошқа тармоқларда лойиҳалар амалга оширилди.

Модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, янги ишлаб чиқариш объектлари ва қувватларини ишга тушириш саноатнинг етакчи тармоқларини таркибий ўзгартириш ҳамда диверсификация қилиш жараёнларини янада чуқурлаштириш имконини берди. Хусусан, шу йилнинг биринчи чорагида саноатнинг юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чи-

қаришга йўналтирилган тармоқларини жадал ривожлантириш таъминланди. Жумладан, енгил саноат (пахта тозалаш соҳасидан ташқари) 2014 йилнинг шу даврига нисбатан 120 фоиз (жумладан, ип газлама ишлаб чиқариш 120,1, трикотаж маҳсулотлари 114,5, тикувчилик маҳсулотлари 120,6, чарм маҳсулотлари 118,4 фоиз), қора металлургия 111,9, ёғочни қайта ишлаш 108,9, озик-овқат 114,8, кимё ва нефть-кимё тармоғи 109,3 фоизга ўсиши таъминланди.

Тракторлар, нефть ва газ ўтказиш қувурлари, карбамид, хлорли калий, музлатгич ва совутқичлар, ип-газлама, трикотаж матоси, трикотаж, тикувчилик ва пайпоқ маҳсулотлари, чарм ва атторлик буюмлари, ун, сут, дори-дармонлар ва бошқа тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш сезиларли равишда кўпайди.

2015 йилда тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш доирасида жорий йилнинг биринчи чорагида 504 лойиҳа бўйича қиймати 620 миллиард сўмдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилди, импорт ўрнини босиш бўйича ҳисоблаб чиқилган самара 260 миллион доллардан ошди. Мазкур лойиҳаларни амалга оширишда 430 дан ортиқ янги турдаги маҳсулотлар, жумладан, экскаватор эҳтиёт қисмлари, «Дамас» автомобилнинг штампланган кузов деталлари, компрессор агрегатлари эҳтиёт қисм ва узеллари, мотор мойлари, гидравлика суюқликлари, шахта вагончалари, янги турдаги маиший музлатгич ва совутқичлар, электр печлар, маиший ёритқичлар, энергия тежайдиган ёруғлик диодли чироқлар, маиший техника учун бутловчи буюмлар, велосипедлар, спорт тренажёрлари ва бошқа тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарилди.

Ишлаб чиқарилаётган истеъмол товарлари турларини кенгайтиришга доир амалга оширилаётган чоратадбирлар доирасида йил бошидан буён 19 турдаги янги тайёр тикувчилик буюмлари ва уларнинг 151 янги моделлари, 98 турдаги янги қандолат, мева-сабзавот ва гўшт-сут, консерва маҳсулотлари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Натижада истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 11,2, жумладан, озик-овқат маҳсулотлари 19,2 ва ноозик-овқат маҳсулотлари 6 фоиз кўпайди.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг ички ва ташқи бозорда рақобатбардошлигини янада ошириш мақсадида жорий йилнинг ўтган даврида йирик корхоналарда 8,1 миллион долларлик маънавий ва жисмоний эскирган 130 ускуна алмаштирилди, оммавий ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилган инновация маҳсулотлари ҳажми 1,7 баробар кўпайди. Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида саноатда меҳнат унумдорлиги 6,1 фоиз ўсди, йирик корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таннархи ўртача 9, ялпи ички маҳсулотнинг энергия истеъмоли ҳажми 10,1 фоиз камайди.

Жаҳон бозорида конъюнктурани олдиндан тахмин қилиб бўлмаслиги ва унинг беқарорлиги кучайиб бораётганига қарамасдан, ташқи бозорда харидоргир маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва турларини кенгайтириш, уларнинг рақобатбардошлигини ошириш ва экспортчи корхоналарни ўз маҳсулотларини ташқи бозорга чиқаришда ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича тизимли чора-тадбирларнинг амалга оширилиши экспорт ҳажмини 13,9 фоиз ошириш имконини берди.

Жорий йил бошидан буён 146 янги корхона экс-

порт фаолиятига жалб этилди, газ, электр ва комбинацияланган маиший плиталар, янги турдаги кабель-ўтказгич маҳсулотлар, автомобиль ўриндиқлари, автомобилларнинг штампланган ва пайвандланган деталлари, суюқ ва газсимон аргон, лок-бўёқ маҳсулотлари, гигиена буюмлари, консерваланган мева-сабзавот маҳсулотлари каби қиймати 40 миллион доллардан ортиқ янги турдаги 102 товарни экспорт қилиш ўзлаштирилди.

## **II. Ривожланган инфратузилма, биринчи навбатда, ахборот-коммуникация тизимларини ташкил этиш, йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация қурилишини ривожлантириш**

Жорий йилнинг биринчи чорагида йўл-транспорт, ишлаб чиқариш ва ахборот-коммуникация инфратузилмасини янада ривожлантириш борасидаги фаол ишлар давом эттирилди. Хусусан, йил бошидан буён Ўзбекистон миллий автомагистрალი таркибига кирадиган автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш объектларида 164,1 миллиард сўм, жумладан, Республика йўл жамғармаси маблағлари ҳисобидан 72,5 миллиард сўм, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати қафолати остида хориждан олинган заёмлар ҳисобидан 37,7 миллион доллар ўзлаштирилди.

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси лойиҳалари бўйича темир йўл инфратузилмасини ривожлантириш ва модернизация қилиш учун қиймати 140 миллион долларлик капитал қўйилмалар, жумладан, Мароқанд – Қарши ва Қарши – Термиз темир йўл участкаларини электрлаштириш лойиҳалари бўйича мос равишда 8,6 ҳамда 4,1 миллион доллар, «Ангрен – Поп» янги темир йўл линиясини қуриш учун 92,4 миллион доллар ўзлаштирилди. Узунлиги 44 километр темир йўл қайта тикланди, 72 юк ва 3 йўловчи ташиш вағони тайёрланди.

2013 – 2020 йилларда телекоммуникация технологиялари, алоқа тармоқлари ва инфратузилмаларини ривожлантириш дастурини амалга ошириш доирасида замонавий технологиялар асосида кенг миқёсда фойдаланиш учун 150 километрдан ортиқ оптик толали тармоқлар бунёд этилди ва захирага олинди.

Ишлаб чиқариш жараёнларига ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш мақсадида умумий қиймати 336 миллиард сўмдан ортиқ замонавий ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотларни амалиётга татбиқ этиш бўйича 86 лойиҳа амалга оширилмоқда. Жорий йилнинг биринчи чорагида 12 акциядорлик компанияси, бирлашма ва йирик саноат корхоналарида ишлаб чиқариш ва бошқарув жараёнларини автоматлаштириш бўйича 20 лойиҳа амалга оширилди.

Жорий йилнинг биринчи чорагида Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида яқка тартибдаги уй-жой қуриш дастурига мувофиқ, 53,9 миллиард сўмлик иш бажарилди. Бунёд этилган тураржой массивларини муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий-бозор инфратузилмаси объектлари билан таъминлаш мақсадида жорий йил бошидан буён 76,5 километр газ таъминоти, 3 километрдан зиёд электр ва қарийб 6 километрлик сув тармоқлари фойдаланишга топширилди. Жорий йил бошидан буён республикада 1,9 миллион квадрат метрдан ортиқ (жумладан, қишлоқ жойларда 1,3 миллион квадрат метр) уй-жой, 197,8 километр

## AUDIT NATIJALARI

## «Капиталбанк» акциядорлик-тижорат банки

Рўйхатга олиш рақами: ЎзР МБнинг 2014 йил 29 августдаги 69-сонли лицензияси.  
Юридик манзили: 100047, Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 7.

**МОЛИЯВИЙ ҲОЛАТ ТЎҒРИСИДАГИ  
ЙИҒМА ҲИСОБОТ  
2014 йил 31 декабрь ҳолатига кўра**

Моддалар	(минг сўмда)	
	2014 йил	2013 йил (тузатилгани)
<b>Активлар</b>		
Пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари	134 534 667	267 021 494
Кредит ташкилотларидаги маблағлар	152 626 931	67 838 846
Марказий банк ҳисобварақларидаги мажбурий захиралар	103 534 621	77 498 348
Мижозларга берилган кредитлар	651 095 607	392 957 865
Сотиш учун мавжуд бўлган активлар	-	24 273 132
Инвестицион қимматли қозғалар:		
- сотиш учун мавжуд бўлганлари	3 279 153	2 904 828
Ассоциациялаштирилган компанияларга инвестициялар	778 650	1 599 456
Асосий воситалар	96 322 107	46 995 475
Номоддий активлар	797 869	734 225
Бошқа активлар	47 501 884	53 021 714
<b>Жами активлар</b>	<b>1 190 471 489</b>	<b>934 845 383</b>
<b>Мажбуриятлар</b>		
Кредит ташкилотларининг маблағлари	71 858 992	92 691 931
Мижозларнинг маблағлари	1 023 823 253	747 600 529
Чиқарилган қарз қимматли қозғалар	7 654 301	23 724 603
Сотиш учун мўлжалланган активларга бевосита тегишли мажбуриятлар	-	2 278 247
Бошқа қарз маблағлари	917 425	1 559 102
Кечиктирилган фойда солиғи мажбуриятлари	1 164 217	2 409 922
Бошқа мажбуриятлар	5 046 053	8 691 635
<b>Жами мажбуриятлар</b>	<b>1 110 464 241</b>	<b>878 955 969</b>
<b>Капитал</b>		
Устав капитали	41 631 797	41 631 797
Қўшимча капитал	350 000	350 000
Тақсимланмаган фойда	38 025 451	13 907 557
<b>Бош банк акциядорларига тегишли жами капитал</b>	<b>80 007 248</b>	<b>55 889 354</b>
Эгаликнинг назорат қилинмайдиган улуши	-	60
<b>Жами капитал</b>	<b>80 007 248</b>	<b>55 889 414</b>
<b>Жами мажбуриятлар ва капитал</b>	<b>1 190 471 489</b>	<b>934 845 383</b>

**ҲОИДА ВА ЗАРАРЛАР ТЎҒРИСИДАГИ  
ЙИҒМА ҲИСОБОТ  
31 декабрда яқунланган 2014 йил учун**

	(минг сўмда)	
	2014 йил	2013 йил (тузатилгани)
<b>Ҳоизли даромадлар</b>		
Мижозларга кредитлар	79 661 832	53 884 104
Кредит ташкилотларига маблағлар	4 941 929	3 155 590
	<b>84 603 761</b>	<b>57 039 694</b>
<b>Ҳоизли харажатлар</b>		
Мижозлар маблағлари	(40 265 039)	(32 712 757)
Кредит ташкилотларининг маблағлари	(2 582 233)	(3 689 592)
Чиқарилган қарз қимматли қозғалар	(1 648 630)	(1 740 650)
Бошқа қарз маблағлар	(387 204)	(590 678)
	<b>(44 883 106)</b>	<b>(38 733 677)</b>
<b>Соф Ҳоизли даромадлар</b>	<b>39 720 655</b>	<b>18 306 017</b>
Кредитларнинг қадрсизланиши бўйича захира/(захира қайта тиклаш)	(14 370 513)	(7 464 213)
<b>Кредитларнинг қадрсизланиши бўйича захирадан кейинги соф Ҳоизли даромад</b>	<b>25 350 142</b>	<b>10 841 804</b>
Соф воситачилик даромадлари	73 532 236	61 150 445
Сотиш учун мавжуд бўлган инвестицион қимматли қозғалар операцияси бўйича соф даромадлар/(харажатлар)	(121 947)	(76 173)
Ҳорижий валютадаги операциялар бўйича соф даромадлар/(харажатлар):		
- савдо операциялари	21 380 648	8 926 049
- валютали моддаларни қайта баҳолаш	(13 516 660)	(5 333 296)
Бошқа даромадлар	6 055 880	5 896 091
Бошқа харажатлар	(194 735)	(127 457)
<b>Ҳоизсиз даромадлар</b>	<b>87 135 422</b>	<b>70 435 659</b>
Ходимлар учун харажатлар	(33 514 395)	(26 770 334)
Амортизация	(6 645 044)	(6 070 155)
Бошқа операция харажатлар	(37 929 234)	(29 172 972)
Захираларни ташкил этиш/(тиклаш) ва қадрсизланиш бўйича бошқа харажатлар/(даромадлар)	(1 722 663)	(1 869 520)
<b>Ҳоизсиз харажатлар</b>	<b>(79 811 336)</b>	<b>(63 882 981)</b>
<b>Даромад солиғи тўланганга қадар кўрилган фойда</b>	<b>32 674 228</b>	<b>17 394 482</b>

**КАПИТАЛДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ЙИЛЛИК ЙИҒМА ҲИСОБОТ 31 декабрда яқунланган 2014 йил учун**

	Банк акциядорларига тегишли				Эгаликнинг назорат қилинмайдиган улуши	Жами капитал
	Устав капитали	Қўшимча капитал	Тақсимланмаган фойда	Жами		
2012 йил 31 декабрь ҳолатига кўра қолдиқ	33 917 190	227 483	301 595	34 446 268	383	34 446 651
Жами умумий йиллик даромад	-	-	13 605 962	13 605 962	(323)	13 605 639
Устав капиталнинг кўпайиши	7 714 607	122 517	-	7 837 124	-	7 837 124
2013 йил 31 декабрь ҳолатига кўра қолдиқ	41 631 797	350 000	13 907 557	55 889 354	60	55 889 414
Жами умумий йиллик даромад	-	-	24 117 894	24 117 894	(60)	24 117 834
2014 йил 31 декабрь ҳолатига кўра қолдиқ	41 631 797	350 000	38 025 451	80 007 248	-	80 007 248

Молиявий ҳисоботнинг тўғрилиги «Ernst & Young» МЧЖ аудиторлик ташкилоти (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2008 йил 5 февралдаги 00628-сонли лицензияси, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 2013 йил 23 августдаги 11-сонли сертификатига эга) томонидан тасдиқланган ва унинг барча муҳим жиҳатлари амалдаги қонун ҳужжатлари ва Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ тайёрланган.

Юқорида келтирилган маълумотлар тўғрисидаги ахборот банкнинг 2014 йил 31 декабрь ҳолати бўйича ҳисоботи тўғрилиги ҳақидаги аудиторлик хулосасида бор.

Хизматлар лицензияланган.

Фойда солиғи бўйича харажатлар	(8 556 394)	(5 133 366)
<b>Давом этаётган фаолиятдан йиллик фойда</b>	<b>24 117 834</b>	<b>12 261 116</b>
<b>Тўхтатилган фаолият</b>		
Тўхтатилган фаолиятдан солиқ тўлангандан кейинги йиллик фойда	-	1 383 085
<b>Йиллик фойда</b>	<b>24 117 834</b>	<b>13 644 201</b>
<b>Тегишлилиги бўйича:</b>		
- акциядорлар улуши	24 117 894	13 644 524
- акциядорларнинг назорат қилинмайдиган улуши	(60)	(323)
	<b>24 117 834</b>	<b>13 644 201</b>
<b>Бошқа умумий даромад</b>		
Келаси даврда фойда ёки зарар сифатида таснифланмаган бошқа умумий даромад:		
Сотиш учун мавжуд бўлган инвестицион операциялар бўйича фойдаланилмаган даромадлар/харажатлар	(121 947)	(114 735)
Сотиш учун мавжуд инвестицион қимматли қозғаларнинг қадрсизланиши	121 947	76 173
<b>Солиқ чегириб ташланганидан кейинги соф бошқа умумий йиллик даромад</b>	<b>-</b>	<b>(38 562)</b>
<b>Жами умумий йиллик даромад</b>	<b>24 117 834</b>	<b>13 605 639</b>
<b>Тегишлилиги бўйича:</b>		
- банк акциядорлари улуши	24 117 894	13 605 962
- назорат қилинмайдиган улуши	(60)	(323)
	<b>24 117 834</b>	<b>13 605 639</b>

**ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНИНГ ҲАРАКАТИ ТЎҒРИСИДАГИ  
ЙИҒМА ҲИСОБОТ  
31 декабрда яқунланган 2014 йил учун**

Моддалар	(минг сўмда)	
	2014 йил	2013 йил (тузатилгани)
<b>Операцион фаолиятдан олинган пул маблағлари ҳаракати</b>		
<b>Солиқ ундирилгунча давом этаётган фаолиятдан фойда</b>	<b>32 674 228</b>	<b>17 394 482</b>
Кредитларнинг қадрсизланиши бўйича захира қайтариш/(тиклаш)	14 370 513	7 464 213
Сотиш учун мавжуд бўлган инвестицион қимматли қозғалардан кўрилган соф фойда/(зарар)	121 947	76 173
Захираларни ташкил этиш/(тиклаш) ва қадрсизланиш бўйича бошқа харажатлар/(даромадлар)	1 722 663	1 869 520
Амортизация	6 645 044	6 070 155
Асосий воситаларнинг сотилишидан кўрилган фойда	(658 366)	-
Ҳорижий валюта операциялари бўйича валютали моддаларни қайта баҳолашдан тушган даромад	13 516 660	(5 333 296)
Бошқа нақдсиз ўтказмалар	4 629 686	827 063
Тўхтатилган фаолиятдан зарар/(фойда)	-	(1 383 085)
<b>Операцион активлар ва мажбуриятлардаги ўзгаришлардан олдинги операцион фаолиятдан олинган пул маблағлари ҳаракати</b>	<b>73 022 375</b>	<b>37 651 817</b>
<b>Операцион активларнинг соф (кўпайиши)/камайиши</b>		
Кредит ташкилотларидаги маблағлар	(73 296 105)	(19 015 514)
Марказий банк ҳисобварақларидаги мажбурий захиралар	(26 036 273)	(19 419 262)
Мижозларга берилган кредитлар	(274 064 320)	(140 014 999)
Бошқа активлар	35 367 618	9 205 750
<b>Операцион мажбуриятларнинг соф кўпайиши/(камайиши)</b>		
Кредит ташкилотларининг маблағлари	(22 093 718)	17 824 972
Мижозларнинг маблағлари	233 845 562	182 579 451
Бошқа қарз маблағлар	(641 677)	(576 105)
Бошқа мажбуриятлар	(31 036 704)	5 250 986
<b>Солиқ ундирилгунча бўлган операцион фаолиятдан олинган пул маблағларининг оқими</b>	<b>(84 933 242)</b>	<b>73 487 096</b>
Тўланган фойда солиғи	(9 802 099)	(4 652 832)
<b>Операцион фаолиятдан олинган(сарфланган) пул маблағларининг соф ҳаракати</b>	<b>(94 735 341)</b>	<b>68 834 264</b>
<b>Инвестицион фаолиятдан олинган пул маблағлари оқими</b>		
Инвестицион қимматли қозғаларни сотиб олиш	(496 272)	-
Инвестицион қимматли қозғаларнинг сотуви ва сундирилишидан тушган тушум	820 806	288 662
Сотиш учун мўлжалланган активларнинг сотувидан тушган тушум	-	18 836 496
Асосий воситаларни сотиб олиш	(35 697 124)	(4 317 877)
Асосий воситаларни реализациялашдан тушум	2 315 055	1 505 104
<b>Инвестицион фаолиятдан олинган пул маблағларининг соф ҳаракати</b>	<b>(33 057 535)</b>	<b>16 312 385</b>
<b>Молиявий фаолиятдан олинган пул маблағлари ҳаракати</b>		
Устав капиталнинг кўпайишидан тушум	-	7 714 607
Қарз қимматли қозғалар чиқарилишидан тушган тушум	1 130 000	16 810 000
Қарз қимматли қозғаларнинг қайтарилиши	(17 030 000)	(3 210 000)
<b>Молиявий фаолиятдан олинган пул маблағларининг соф ҳаракати</b>	<b>(15 900 000)</b>	<b>21 314 607</b>
Айирбошлаш курслари ўзгаришининг пул маблағлари ва улар эквивалентларига таъсири	11 206 049	3 854 125
<b>Пул маблағлари ва улар эквивалентларининг соф кўпайиши/(камайиши)</b>	<b>(132 486 827)</b>	<b>110 315 381</b>
<b>Ҳисобот даври бошидаги пул маблағлари ва улар эквивалентлари</b>	<b>267 021 494</b>	<b>156 706 113</b>
<b>Ҳисобот даври охиридаги пул маблағлари ва улар эквивалентлари</b>	<b>134 534 667</b>	<b>267 021 494</b>

## AUDIT NATIJALARI

## «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик-тижорат банки

Рўйхатга олиш рақами: ЎзР МБнинг 2014 йил 4 августдаги 77-сонли лицензияси.

Юридик манзили: 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 18 а.

МОЛИЯВИЙ ҲОЛАТ ТЎҒРИСИДАГИ  
ИИҒМА ҲИСОБОТ  
31 декабрда яқунланган 2014 ва 2013 йиллар учун

(минг сўмда)

№	МОДДАЛАР	2014 йил	2013 йил
<b>Активлар</b>			
010	Нақд пуллар	29 389 574	14 772 159
020	Ўзбекистон Республикаси Марказий банкдан олиниши керак бўлган маблағлар	166 969 705	178 935 587
030	Бошқа банклардан олиниши керак бўлган маблағлар	152 795 276	55 847 438
040	Олди-сотди учун қимматли қоғозлар – савдо		
041	Олди-сотди учун қимматли қоғозлар – носавдо		
050	Ҳосилавий молиявий воситалар		
060	Инвестициялар – сотиш учун мавжуд бўлганлари	723 658	661 355
061	– сундирилгунча ушлаб турилганлари		
070	Тескари РЕПО		
080	Мижозларга берилган кредитлар ва бўнақлар:	3 029 213 845	2 152 447 522
081	Минус: эҳтимолий зарарлар бўйича захиралар	(61 203 338)	(43 012 500)
082	Соф кредит ва бўнақлар	2 968 010 507	2 109 435 022
090	Молиявий ижара		
100	Қарамогдаги хўжалик юритувчи жамиятларга инвестициялар		
101	Қўшма корхоналарга инвестициялар		
110	Гудвилл		
120	Асосий воситалар (соф баланс қиймати бўйича)	47 324 550	50 329 005
130	Номоддий активлар (соф баланс қиймати бўйича)	246 489	175 896
140	Бошқа хусусий мол-мулк	560 063	597 026
150	Солиқ талаблари	11 927 672	6 561 666
160	Бошқа активлар	24 239 035	5 941 585
<b>170</b>	<b>ЖАМИ АКТИВЛАР</b>	<b>3 402 186 529</b>	<b>2 423 256 739</b>
<b>Мажбуриятлар</b>			
<b>Депозитлар</b>			
181	Талаб қилиб олингунча	234 578 002	267 448 703
182	Жамғарма	2 048 954	261 242
183	Муддатли	409 862 217	252 645 417
184	Депозит сертификатлари	18 700 000	5 600 000
185	Ҳукумат ҳисобварақлари		
<b>190</b>	<b>Жами депозитлар</b>	<b>665 189 173</b>	<b>525 955 362</b>
200	Марказий банкка тўланиши керак бўлган	65 323	78 067
210	Ҳукуматга тўланиши керак бўлган	2 173 338 511	1 497 390 659
220	Бошқа банкларга тўланиши керак бўлган	218 431 415	96 751 451
230	РЕПО ва бошқа қарз маблағлари		
240	Ҳосилавий молиявий воситалар		
250	Солиқ мажбуриятлари		
260	Бошқа мажбуриятлар	7 112 366	6 143 769
270	Чиқарилган қарз қимматли қоғозлар		
<b>280</b>	<b>Жами мажбуриятлар</b>	<b>3 064 136 788</b>	<b>2 126 319 308</b>
<b>Хусусий капитал</b>			
300	Оддий акциялар	315 079 031	281 773 814
310	Имтиёзли акциялар	1 968 769	1 910 269
320	Акциядорлардан сотиб олинган ўз акциялари		
<b>330</b>	<b>Жами акциядорлик капитали</b>	<b>317 047 800</b>	<b>283 684 083</b>
340	Қайта баҳолаш бўйича захира	8 885 735	5 667 020
350	Тақсимланмаган фойда (тўпланган тақчиллик)	12 116 206	7 586 328
<b>360</b>	<b>Жами хусусий капитал</b>	<b>338 049 741</b>	<b>296 937 431</b>
<b>370</b>	<b>ЖАМИ МАЖБУРИЯТЛАР ВА ХУСУСИЙ КАПИТАЛ</b>	<b>3 402 186 529</b>	<b>2 423 256 739</b>

## ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНИНГ ҲАРАКАТИ ТЎҒРИСИДАГИ ИИҒМА ҲИСОБОТ 31 декабрда яқунланган 2014 ва 2013 йиллар учун

(минг сўмда)

№	МОДДАЛАР	2014 йил	2013 йил
<b>Операцион фаолиятдан келган пул оқимлари</b>			
020	Олинган фоизлар	243 037 817	156 472 920
030	Тўланган фоизлар	(99 972 606)	(64 034 759)
040	Воситачилик ҳақи ва хизматлар учун тўловлар тарзида олинган пул маблағлари	34 108 639	32 208 456
050	Воситачилик ҳақи ва хизматлар учун тўловлар тарзида тўланган пул маблағлари	(10 068 988)	(7 378 775)
060	Дилинг операциялари бўйича соф реализация қилинган фойда (зарар)		
070	Хорижий валюталар билан амалга оширилган операциялар бўйича соф реализация қилинган фойда (зарар)		
080	Олинган дивидендлар	73 129	18 350
090	Ҳисобдан чиқарилган кредитлар ўрнини қоплаш		
100	Бошқа операцион даромадлар	2 362 127	3 055 703
110	Маҳсулот етказиб берувчилар ва ишчиларга тўланган пул маблағлари	(114 573 173)	(97 174 977)
120	Тўланган даромад (фойда) солиги		
130	Инфляциянинг операцион фаолиятга таъсири		
<b>140</b>	<b>Операцион активлар ва мажбуриятларда ўзгаришлар бўлгунча қадар операцион фаолиятдан тушган пул оқимлари</b>	<b>54 966 945</b>	<b>23 166 918</b>
<b>Операцион активларнинг соф (кўпайиши) камайиши:</b>			
151	Марказий банкнинг мажбурий захираси бўйича соф (кўпайиши) камайиши	(896 705)	(16 579 398)
152	Савдо қимматли қоғозларидаги соф (кўпайиши) камайиши		
153	Сотиб олинган ва сотилган опционларнинг соф (кўпайиши) камайиши		
154	Банкларга кредитлар ва бўнақларнинг соф (кўпайиши) камайиши	(72 452 721)	11 450 379
155	Мижозларга кредитлар ва бўнақларнинг соф (кўпайиши) камайиши	(877 252 313)	(453 579 844)
156	Бошқа активлардаги соф (кўпайиши) камайиши	(458 888)	(136 920 435)
157	Қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқарилишининг соф кўпайиши		(275 053 981)
158	Қурилиш компаниялари ва бошқа маҳсулот етказиб берувчиларга олдиндан тўловларнинг соф (кўпайиши) камайиши		
<b>160</b>	<b>Операцион мажбуриятларнинг соф (кўпайиши) камайиши:</b>	<b>134 921 844</b>	<b>414 585 188</b>
161	Депозитлардаги соф кўпайиш (камайиш)		
162	ЎзР МБ ва Ҳукуматга тўланиши керак бўлган ҳисобварақлар бўйича соф кўпайиш (камайиш)		
163	Бошқа банкларга тўланиши керак бўлган ҳисобварақлар бўйича соф кўпайиш (камайиш)	121 586 511	23 898 849
164	Савдо мажбуриятлари бўйича соф кўпайиш (камайиш)		
165	Бошқа мажбуриятлар бўйича соф кўпайиш (камайиш)	1 467 962	2 736 923

ҲОИДА ЁҚИ ЗАРАРЛАР ВА БОШҚА ЯЛПИ ДАРОМАД  
ТЎҒРИСИДАГИ ИИҒМА ҲИСОБОТ  
31 декабрда яқунланган 2014 ва 2013 йиллар учун

(минг сўмда)

№	МОДДАЛАР	2014 йил	2013 йил
<b>Ҳолида ёқи даромад</b>			
011	Кредитлар бўйича фоизли даромад	233 045 208	153 420 781
012	ЎзР МБ ва бошқа банклардаги ҳисобварақлар бўйича фоизли даромад	10 952 486	6 990 657
013	Олиш ва сотиш учун қимматли қоғозлар бўйича фоизли даромад – савдо		
014	Олиш ва сотиш учун қимматли қоғозлар бўйича фоизли даромад – носавдо		
015	Сотиш учун мавжуд бўлган инвестициялар бўйича фоизли даромад		
016	Сундирилгунча ушлаб турилган инвестициялар бўйича фоизли даромад		
017	Тескари РЕПО битимлари бўйича фоизли даромад		
018	Молиявий ижара бўйича фоизли даромад		
019	Бошқа фоизли даромадлар		
<b>020</b>	<b>Жами фоизли даромадлар</b>	<b>243 997 694</b>	<b>160 411 438</b>
<b>Ҳолида ёқи харажатлар</b>			
031	Талаб қилиб олингунча депозитлар бўйича фоизли харажатлар	(188 561)	(322 403)
032	Жамғарма депозитлар бўйича фоизли харажатлар	(36 267)	(8 559)
033	Муддатли депозитлар бўйича фоизли харажатлар	(30 709 922)	(20 658 435)
034	Депозит сертификатлари бўйича фоизли харажатлар		
035	Ҳукумат ҳисобварақлари бўйича фоизли харажатлар		
036	ЎзР МБга тўланадиган ҳисобварақлар бўйича фоизли харажатлар		
037	Бошқа банкларга тўланадиган ҳисобварақлар бўйича фоизли харажатлар	(20 528 896)	(12 262 368)
038	Бошқа қарз маблағлари бўйича фоизли харажатлар	(56 316 249)	(34 343 776)
039	Чиқарилган қарз қимматли қоғозлари бўйича фоизли харажатлар		
040	РЕПО битимлари бўйича фоизли харажатлар		
041	Бошқа фоизли харажатлар		
<b>050</b>	<b>Жами фоизли харажатлар</b>	<b>(107 779 895)</b>	<b>(67 595 541)</b>
<b>060</b>	<b>Соф фоизли даромад</b>	<b>136 217 799</b>	<b>92 815 897</b>
070	Кредитлар бўйича эҳтимолий зарарлар захирасини баҳолаш	(19 688 078)	(15 225 007)
<b>080</b>	<b>Захира баҳолаш чегириб ташланганидан кейинги соф фоизли даромад</b>	<b>116 529 721</b>	<b>77 590 890</b>
<b>Ҳолида ёқи даромад</b>			
091	Воситачилик ва хизматлар учун тўловлардан олинган даромад	34 578 976	31 941 104
092	Воситачилик ва хизматлар учун тўловлар бўйича харажатлар	(10 068 988)	(7 378 775)
093	Савдо операцияларидан тушган фойда (зарар)		
094	Валюта операцияларидан тушган фойда (зарар)	286 311	350 377
095	Дивидендлар тарзидаги даромад	73 129	18 350
096	Инвестициялардан фойда (зарар)		
097	Қарамогдаги хўжалик юритувчи жамиятлар ва қўшма корхоналардан фойда (зарар)		
098	Соф пул моддалари бўйича фойда (зарар)		
099	Бошқа операцион даромадлар (харажатлар)	2 424 430	2 160 319
<b>100</b>	<b>Жами фоизсиз даромад</b>	<b>27 293 858</b>	<b>27 091 375</b>
<b>Операцион харажатлар</b>			
111	Ходимлар учун иш ҳақи ва бошқа харажатлар	(75 909 380)	(58 340 225)
112	Ижара ва таъминот харажатлари	(9 793 799)	(8 850 520)
113	Транспорт ва хизмат сафарлари харажатлари	(1 972 459)	(1 360 839)
114	Маъмурий харажатлар	(2 786 820)	(2 681 342)
115	Асосий воситаларнинг эскириши	(5 538 712)	(5 500 668)
116	Амортизация – номоддий активлар	(216 070)	(233 777)
117	Сугурта харажатлари, солиқлар ва бошқа тўловлар	(15 479 068)	(11 658 419)
118	Эҳтимолий зарарлар захирасини баҳолаш		
119	Бошқа операцион харажатлар	(6 778 589)	(4 435 343)
<b>120</b>	<b>Жами операцион харажатлар</b>	<b>(118 474 897)</b>	<b>(93 061 133)</b>
<b>130</b>	<b>Даромад (фойда) солигидан олдинги соф фойда (зарар)</b>	<b>25 348 682</b>	<b>11 621 132</b>
140	Даромад (фойда) солигини баҳолаш	(3 528 502)	(3 777 320)
<b>150</b>	<b>Давом этаётган фаолиятдан йил учун соф фойда (зарар)</b>	<b>21 820 180</b>	<b>7 843 812</b>
<b>151</b>	<b>Тугатилган фаолият</b>		
152	Тугатилган фаолиятдан йил учун фойда	(389 675)	10 159 147
<b>153</b>	<b>Ииллик соф фойда</b>	<b>21 430 505</b>	<b>18 002 959</b>
160	Бир акцияга тўғри келадиган базавий фойда	8	9
170	Бир акцияга тўғри келувчи тақсимланган фойда	8	9

№	МОДДАЛАР	2014 йил	2013 йил
<b>170</b>	<b>Операцион фаолиятдан келган соф пул маблағлари</b>	<b>(638 117 365)</b>	<b>(406 295 401)</b>
<b>Инвестицион фаолиятдан келган пул оқимлари</b>			
190	Молиявий ижара бўйича тушумлар		
200	Қимматли қоғозларни сотиб олиш, операцион фаолият сифатида таснифланганидан ташқари		
210	Қимматли қоғозларни сотиш, операцион фаолият сифатида таснифланганидан ташқари		
220	Шўъба, қарамогдаги хўжалик юритувчи жамиятлар ва қўшма корхоналарни сотиб олиш, олинган пул маблағларини чегириб ташлаганда		
230	Шўъба, қарамогдаги хўжалик юритувчи жамиятлар ва қўшма корхоналарнинг чиқиб кетиши, чиқиб кетган пул маблағларини чегириб ташлаганда		(154 094 790)
240	Асосий воситалар, номоддий активлар ва бошқа узоқ муддатли активларни сотиб олиш	(19 770 349)	(20 998 066)
250	Асосий воситалар, номоддий активлар ва бошқа узоқ муддатли активларни сотиш	573 412	583 698
260	Инвестицион фаолиятга инфляциянинг таъсири		
<b>270</b>	<b>Инвестицион фаолиятдан тушган соф пул маблағлари</b>	<b>(19 196 937)</b>	<b>(174 509 158)</b>
<b>Молиявий фаолиятдан келган пул оқимлари</b>			
290	Қарз маблағлари ва қарз қимматли қоғозларидан тушумлар		
300	Қарз маблағлари ва қарз қимматли қоғозлари бўйича тўловлар		
310	Молиявий ижара бўйича тўловлар		
320	Акциялар чиқариш	11 040 195	88 000 000
330	Акцияларни бекор қилиш		
340	Ўз акцияларини сотиб олиш		
350	Сотиб олинган ўз акцияларини сотиш		
360	Пуллик дивидендларни тўлаш	(244 125)	(11 736 103)
370	Инфляциянинг молиявий фаолиятга таъсири		
371	Ҳукумат ва халқаро молиявий ташкилотлардан қарз маблағлари бўйича тушум	672 533 239	551 454 986
372	Ҳукумат ва халқаро молиявий ташкилотлардан қарз маблағлари тўлови		(947 154)
<b>380</b>	<b>Молиявий фаолиятдан тушган соф пул маблағлари</b>	<b>683 329 309</b>	<b>626 771 729</b>
390	Валюта курси ўзгаришининг пул маблағлари ва улар эквивалентларига таъсири	286 311	350 377
<b>400</b>			
<b>Инфляциянинг пул маблағлари ва улар эквивалентларига таъсири</b>			
<b>410</b>	<b>Пул маблағлари ва улар эквивалентларининг соф кўпайиши (камайиши)</b>	<b>26 015 007</b>	<b>45 967 170</b>
<b>420</b>	<b>Йил бошидаги пул маблағлари ва улар эквивалентлари</b>	<b>168 444 479</b>	<b>122 126 932</b>
<b>430</b>	<b>Йил охиридаги пул маблағлари ва улар эквивалентлари</b>	<b>194 745 797</b>	<b>168 444 479</b>

AUDIT NATIJALARI

«Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик-тижорат банки

АКЦИЯДОРЛИК КАПИТАЛИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ЙИҒМА ҲИСОБОТ 31 декабрда яқунланган 2014 ва 2013 йиллар учун

(минг сўмда)

№	Моддалар	Устав капитал	Қўшилган капитал	Сотиб олинган ўз акциялари	Жами акциядорлик капитал	Захиралар	Тақсимланмаган фойда	Жами хусусий капитал
010	2013 йилнинг 1 январь ҳолатига қолдиқ – қайта ҳисоблангунга қадар	186 761 458	0	0	186 761 458	8 922 753	12 604 567	208 288 778
020	Ҳисобга олишдаги ўзгаришлар самараси, солиқлар чегириб ташланганда:							
030	– қайта ҳисоблангандан кейин	0	0	0	0	0	0	0
040	Даврда пайдо бўлган:							
041	Сотиш учун мавжуд бўлган инвестициялар – адолатли қиймат бўйича соф фойда (зарар), солиқлар чегириб ташланганда							0
042	Асосий воситаларни қайта баҳолаш захираси							
050	Суммаларни кўчириш:							
051	Сотиш учун мавжуд бўлган инвестициялар – соф фойдага кўчириш, солиқлар чегириб ташланганда							
052	Асосий воситаларни қайта баҳолаш бўйича захирадан кўчириш							
060	Фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботда тан олинмаган соф фойда(зарар)							
070	Соф фойда						18 002 959	18 002 959
080	Тан олинган соф фойда(зарар)						18 002 959	18 002 959
090	Ўтган йилдан олдинги йилдаги оддий акциялар бўйича дивидендлар						(11 491 978)	(11 491 978)
100	Ўтган йилдан олдинги йилдаги имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар						(244 125)	(244 125)
110	Конвертацияланадиган облигациялар – улуш компоненти							
120	Сотиб олинган ўз акцияларини сотиб олиш/сотиш							
130	Акциялар чиқариш	96 922 625			96 922 625	(8 922 625)		88 000 000
131	Акциялар номинал қийматининг оширилиши							-
132	Акцияларга обуна учун депозитлар					5 666 892		5 666 892
133	Шўъба корхоналарнинг чиқи кетишидан кўрилган зарар						(11 285 095)	(11 285 095)
140	Жами: 2014 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра қолдиқ	283 684 083	0	0	283 684 083	5 667 020	7 586 328	296 937 431
150	Даврда пайдо бўлган:							
151	Сотиш учун мавжуд бўлган инвестициялар – адолатли қиймат бўйича соф фойда (зарар), солиқлар чегириб ташланганда							
152	Асосий воситаларни қайта баҳолаш бўйича захира							
160	Суммаларни кўчириш:							
161	Сотиш учун мавжуд бўлган инвестициялар – соф фойдага кўчириш, солиқлар чегириб ташланганда							
162	Асосий воситаларни қайта баҳолаш бўйича захирадан кўчириш							
170	Фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботда тан олинмаган соф фойда(зарар)							
180	Соф фойда						21 430 505	21 430 505
190	Тан олинган соф фойда(зарар)						21 430 505	21 430 505
191	Тақсимланмаган фойданинг капитализацияси	16 656 502			16 656 502		(16 656 502)	-
200	Ўтган йил учун оддий акциялар бўйича дивидендлар							
210	Ўтган йил учун имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар						(244 125)	(244 125)
220	Конвертацияланадиган облигациялар – улуш компоненти							
230	Сотиб олинган ўз акцияларини сотиб олиш/сотиш							
240	Акциялар чиқариш	16 707 215			16 707 215	(5 667 020)		11 040 195
241	Акциялар номинал қийматининг оширилиши				0			-
242	Акцияларга обуна учун депозитлар					8 885 735		8 885 735
243	Шўъба корхона чиқи кетишидан зарар							
250	2014 йилнинг 31 декабрь ҳолатига кўра қолдиқ	317 047 800	0	0	317 047 800	8 885 735	12 116 206	338 049 741

Молиявий ҳисоботнинг тўғрилиги «Deloitte & Touche» МЧЖ аудиторлик ташкоти (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2008 йил 8 февралдаги 00500-сонли лицензияси, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 2008 йил 28 февралдаги 3-сонли сертификатига эга) томонидан тасдиқланган ва унинг барча муҳим жиҳатлари амалдаги қонун ҳужжатлари ва Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ тайёрланган.

Юқорида келтирилган маълумотлар тўғрисидаги ахборот банкнинг 2014 йил 31 декабрь ҳолати бўйича ҳисоботи тўғрилиги ҳақидаги аудиторлик хулосасида мавжуд.

Хизматлар лицензияланган.

Бу борада компаниянинг Тошкент шаҳар филиали директори М.Исроилов сўзга чиқиб, ушбу йўналишда муассаса томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида ахборот берди.

– Мулк суғуртаси табиий ва бошқа салбий ҳодисалар рўй бериши туфайли фуқаролар ва юридик шахсларнинг мулкига шикаст етказилиши билан боғлиқ уларнинг мулкий манфаатларини ҳимоялашга қаратилган суғуртанинг мустақил тармоғидир, – деди М.Исроилов. – Суғуртанинг ушбу туридан фойдаланиш эса, йиллар давомида кундалиқ турмуш тарзимизнинг бир қисмига айланган турар жой, уй жиҳозлари, маиший техника буюмлари кабиларнинг талофат кўрганда ёки бузилганда молиявий йўқотишлардан сақланишнинг энг оддий усулидир. Мамлакатимизда мулк суғуртани амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари Фуқаролик кодексининг 915 ва 917-моддаларида акс эттирилган.

Анжуманда таъкидланганидек, мол-мулк қатор табиий ва нотабиий ҳодисалар натижасида зарар кўриши мумкин. Бунда суғурта объекти сифатида фуқароларнинг хусусий мулк ҳисобланган уй-

«Мулк суғуртаси — хотиржамлик гарови»

Пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида «Кафолат» давлат-акциядорлик суғурта компанияси томонидан ташкил этилган анжуман ана шундай номланиб, унда мулк суғуртанинг халқ фаровонлигини оширишдаги ўрни ва аҳамияти хусусида сўз борди.



жой, шу жумладан, ижарага берилган – уйлар, турар жой хоналари, уларнинг таркибий қисмлари мажмуи, хўжалик қурилмалари ҳамда ички ва ташқи пардоз қатламлари, турар жой хоналарининг муҳандислик қурилмалари, уй мулк (уй жиҳозлари, кундалиқ ҳаёт ҳамда истеъмол буюмлари, шунингдек, суғурталанувчига ва унинг оила аъзоларига қарашли ёрдамчи хўжалик буюмлари) тушунилади.

«Кафолат» ДАСК ташкил этилганидан буён мулк суғурта турларини ривожлан-

тиришга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Ҳозирги кунда 30 дан ортиқ суғурта компаниялари орасида ушбу суғуртага оид хизматларни кўрсатишда муассаса етакчилардан бири ҳисобланади. Хусусан, айна пайтда компанияда амалда бўлган 80 дан ортиқ суғурта турларининг 25 тасини айнан мулк билан боғлиқ суғурта хизматлари ташкил этади. Буларга аҳоли мулк суғурталаш, юридик шахслар мулк суғурталаш, транспорт воситаларини суғурталаш, гаровга

қўйилаётган мулк суғурталаш, йўлда бўлган мулк суғурталаш, ипотека суғуртаси, лизингга олинаётган мулкни ёки транспорт воситаларини суғурталаш, таътилда бўлган даврда турар жой ва уй мулк суғурталаш, ижарага берилган но-турар жойларни суғурталаш каби қатор суғурта турларини мисол қилиб келтириш мумкин.

– «Кафолат» ДАСК томонидан 2014 йилда мулк суғурта бўйича жами 42 мингдан ортиқ суғурта шартномалари тузилди ва улар

бўйича келиб тушган жами суғурта мукофотлари 9,5 млрд. сўмдан ортиқни ташкил этди, 2,2 трлн. сўмдан ортиқ ҳажмда жавобгарлик олиб борилди, – деди М.Исроилов. – Ушбу даврда мулк суғурта турларидан келиб тушган 83 та ариза кўриб чиқилиб, улар бўйича 714,3 млн. сўмдан ортиқ суғурта қопламалари тўлаб берилди. Бунда асосий тўловлар транспорт воситаларини суғурталаш, гаровга қўйилган мулк суғурта қилиш бўйича амалга оширилган. Компаниянинг биргина Тошкент шаҳар филиали томонидан жорий йилнинг биринчи чорагида мулк суғурта бўйича 2 млрд. сўмдан зиёд суғурта мукофоти йиғилиб, ушбу кўрсаткич 2014 йилнинг шу даврига нисбатан 170 фоизга ўсиши таъминланди.

Анжуман сўнггида «Кафолат» ДАСК томонидан мулк суғуртаси бўйича аҳоли хабардорлигини ошириш, хизматлар доирасини янада кенгайтириш, бу борада аҳоли талаб ва истакларини чуқур ўрганиш учун олиб борилаётган изланишлар хусусидаги журналистларнинг барча саволларига жавоб берилди.

Ширин БАЙСЕНОВА.

ЭЪЛОН

### ФУҚАРОЛАРНИНГ БАНКЛАРДАГИ ОМОНАТЛАРИНИ КАФОЛАТЛАШ ФОНДИ ХАБАРИ

#### Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди фонд реестри ҳисобида турувчи банклар рўйхатини эълон қилади.

1. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки.
2. «Асака» давлат акциядорлик-тижорат банки (акциядорлик жамияти).
3. «Ўзбекистон саноат-қурилиш банки» акциядорлик-тижорат банки.
4. «Ипотека-банк» акциядорлик-тижорат ипотека банки.
5. «Агробанк» акциядорлик-тижорат банки.
6. «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик-тижорат банки.
7. «Туронбанк» акциядорлик-тижорат банки.
8. «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банки.
9. Чет эл капиталли иштирокидаги «Савдогар» акциядорлик-тижорат банки.
10. Акциядорлик-тижорат «Алоқабанк».
11. «Ипак йўли» акциядорлик инновация тижорат банки.
12. Чет эл капиталли иштирокидаги «Ҳамкорбанк» акциядорлик-тижорат банки.
13. «Капиталбанк» акциядорлик-тижорат банки.
14. «Asia Alliance Bank» акциядорлик-тижорат банки.
15. «Трастбанк» хусусий акциядорлик биржа банки.
16. «Туркистон» хусусий акциядорлик-тижорат банки.
17. «Давр-банк» хусусий акциядорлик-тижорат банки.
18. «Универсалбанк» хусусий акциядорлик-тижорат банки.
19. «Равнақ-банк» хусусий акциядорлик-тижорат банки.
20. «Invest Finance Bank» хусусий акциядорлик-тижорат банки.
21. «Hi-Tech Bank» хусусий акциядорлик-тижорат банки.
22. «Orient Finans» хусусий акциядорлик-тижорат банки.
23. «КДБ Банк Ўзбекистон» акциядорлик жамияти.
24. «Uzbekistan-Turkish Bank» акциядорлик жамияти.
25. Эрон «Содерот» банкнинг Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳридаги шўъба банки.

**«Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, юқорида номлари келтирилган банклардаги аҳоли омонатлари бўйича, микдоридан қатъи назар, тўла ҳажмда ҳақ тўлаш кафолатланади.**

## «Мовийга парвоз»

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки Тасвирий санъат галереясидаги кўргазма ана шундай номланди.

Унда Ўзбекистон халқ расоми, Ўзбекистон Бадиий академияси академиги, профессор Акмал Икромжонов ва унинг шогирдлари ижодига мансуб «Устоз ва шогирд» туркумидаги асарлар намойиш этилмоқда.

– «Мовийга парвоз» кўргазмаси ўзига хослиги ва мантиқийлиги билан ажралиб туради, – дейди санъатшунос Саодат Рўзиева. – Экспозицияга қўйилган асарлар классикадан авангардгача бўлган жанрларни қамраб олган. Акмал Икромжонов хусусида тўхталиб, устоз ўз томошабинларига эга, таниқли рассом эканлигини, асарларида юксак маҳорат, ноёб бадиий мактаб этикаси, дунё санъати ва миллий аъналарининг энг гўзал жиҳатлари уйғунлашганлигини қайд этишим мумкин.

Таниқли рассом А.Икромжонов Камолитдин Беҳзод номли Миллий рассомчилик ва дизайн институтида талабаларга таълим бериб, бир неча ёш рассомлар авлодига устозлик қилмоқда.

– Кўплаб рассомлар ва санъатшунослар фикрига кўра, реалистик мактабнинг тажрибаларини тўлиқ ўрганиб, дунё тасвирий санъати қонуниятларидан бохабар бўлиб эркин ижодга ўтиш,

ўзининг аниқ услуб ва йўналишларини белгилаш мумкин, – дейди С.Рўзиева. – Худди шу нуқтаи назарга Акмал Икромжонов ҳам содиқ қолган. Устоз ўз шогирдларига аввал реализм таълимоти беради ва шундан сўнг уларни эркин ижодий парвозга йўллайди.

– Устоз ва шогирд ижодининг асосий жиҳатлари яхшилик, одамийлик саналади, – дейди Акмал Икромжонов. – Санъатнинг қайси йўналиши ва услуби бўлмасин ушбу мезон улар ўртасидаги муносабатларнинг энг муҳим жиҳатлардан бири бўлиб қолаверади. Мазкур тадбир орқали менга ҳамроҳ бўлган шогирдларимнинг ҳар бири бугунги кунда кўплаб кўргазмалар, танловлар ва фестиваллар иштирокчиси, аксарияти эса ўз шахсий кўргазмасини ҳам ташкил этган. Эътиборлиси, улар реалистик тизимда таълим олиб, шартли, эркин, экспериментал каби бадиий мактабда ўзини намойиш этиш ва доимий ҳаракатда бўлиб, замонавий санъат орқали ҳаётининг фалсафий жиҳатларини акс эттиришга эришди.

Кўргазма 23 майга қадар давом этади.

Олдуз ЗОКИРОВА.

## Банк-молия ходимлари ўртасида байрам турнири

9 май – Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан турли давлат ва жамоат ташкилотлари қатори банк-молия муассасалари томонидан ҳам спорт мусобақаларини ташкил этиш анъанага айланган.

Хусусан, ушбу байрам арафасида «Микрокредитбанк» АТБда мини-футбол бўйича мусобақа уюштирилди. Ходимларни спорт мусобақаларига жалб қилиб, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, маънан ва жисмонан соғломлаштириш ҳамда бўш вақтларини мазмунли ташкил қилиш мақсадида ўтказилган тадбирда банкнинг Марказий аппарати ҳамда барча минтақавий филиалларидан ходимлар иштирок этди.

Мусобақа мини-футбол қоидалари асосида 4 та жамоага бўлинган ҳолда

олиб борилди. «Микрокредитбанк» АТБнинг Марказий аппарати жамоаси шиддатли ўйин кўрсатиб, фахрли 1-ўринни қўлга киритди. Андижон вилояти филиали ҳамда Навоий ви-



лояти филиали жамоалари йигилган очколар бўйича 2-3-ўринларга лойиқ топилди.

Шунингдек, мазкур байрам муносабати билан «Кафолат» ДАСК АЖда ҳам спортнинг айнан шу тури бўйича мусобақа ўтказилди. «Kafolat турнири», дея номланган тадбирда суғурта ташкилоти Бош

офиси ҳамда унинг Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида фаолият юритаётган бўлинмалари ходимлари иштирок этди ва 6 жамоа ўзаро куч синашди.

Финал босқичида компания бошқарувининг биринчи ва иккинчи жамоалари учрашди. Асосий вақтда 2-2 ҳисоби билан дуранг қайд этилди. Пенальтилар серияси бўйича эса биринчи жамоа фахрий 1-ўринни эгаллади.

Тадбир сўнггида компания раҳбарияти томонидан голиб жамоага «Kafolat» кубоги ва совринли ўринларни эгаллаган жамоаларга қимматбаҳо совғалар тақдим этилди.

Гулшан ЮСУПОВА.

**БАНК АХБОРОТНОМАСИ**

АХБОРОТ-ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА

ҲАМКОРЛАРИМИЗ ВА МУАССИС

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки

«Norma» МЧЖ

«Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖ

БОШ МУҲАРРИР

Акмал НАЗАРОВ

Нашр учун масъул

Анвар АСРОРОВ

ЧОП ЭТИШГА ТАЙЁРЛОВЧИ

Газета «Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖнинг компьютер базасида саҳифаланди

АХБОРОТ КЎМАГИ

ЎЗА, «Туркистон-пресс» НАА

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100084, Тошкент ш.,

Ғ. Мавлонов кўчаси,

1а-уй, 3-қават.

e-mail: info@banknews.uz

www.banknews.uz

Реклама ва эълонлар учун

234-43-18

телефони орқали мурожаат қилинг.

Юридик шахслар учун нашр индекси – 102.

Жисмоний шахслар учун нашр индекси – 377.

Тахририятнинг фақат ёзма розилиги билан «Банк ахборотномаси»да эълон қилинган материалларни кўчириб босишга ижозат берилди.

Қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2012 йил 10 январда 0065-тартиб рақами билан рўйхатга олинган.

Газета ҳафтанинг пайшанба куни чоп этилади.

Буюртма № 2158

Адади: 8778 нусха.

Наши шартнома асосида.

Газета АЗ ҳажмда, 3 шартли босма табоқда чоп этилди.

Босишга рўхсат этилди: 6.05.2015 й., 9.00.